

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ

(маърузалар матни)

**«УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА ВА
ПСИХОЛОГИЯ» КАФЕДРАСИ**

Тузувчи:

Н.Т. Ходжиматова

Такризчи:

Пед.фан.номзоди,
Б.Э.Каюмов

Кафедранинг 2003 йил октябр 2-йигилишида тасдиқланган

АНГРЕН - 2005

СЎЗ БОШИ

Жамиятимиз тарафидан тўб ўзгаришлар юз бермоғида XXI аср бошида Республикамиз тарихи лавҳасидан бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамиятни барпо этиш даври бошланиб ўрин олмоғида.

Ўзбек моделининг бош стратегик йўналишларини амалга оширишда маънавий- маърифий йўналишлар, унинг асосий вазифалари муҳим роль ўйнайди. Ушбу долзарб масалани ҳаётга тадбиқ этишимизда Ижтимоий психология фанининг ўзига хос ўрни бор. Айнан, бўлғуси педагог кадрлар узлуксиз таълим тизимида шахсни ижтимоийлашув жараёнини ташкил этишда замонавий психология фани мазмуни билан илмий-назарий, амалий жихатдан эгаллаш ҳамда эркин шахс, унинг демократик муносабатларини таркиб топтиришда марказий ўринни эгаллайди. Ушбу Ижтимоий психология курси Умумий психология фанининг таркибий қисми бўлиб, 16 соат маъруза, 20 соат семинар машғулотини ташкил этиш мўлжалланган.

Маъруза матнини тузишда Олий таълим ДТС га асосланди ва В.Каримова, А.В.Петровский, Андрейваларнинг дарслик ва қўлланмаларидан кенг ўринда фойдаланилди. Ҳар бир маъруза матнлари назарот билан яқунланади. Ушбу саволлар ДТС доирасида белгиланган бўлиб талабалар ўзлаштиришини коррекциялашда ва педагогнинг таълим жараёнини самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради.

Ижтимоий психология фанидан рейтинг мезони

Маъруза –18 соат

Семинар –20 соат

ОБ - 12,6 балл

ЖБ –14 балл

ЯБ –11,4 балл

Энг юқори балл –38 балл

Саралаш балл –21,3 балл

Баҳолаш мезони –21,3-26,9 гача уч баҳо. 27,0-32,6 гача тўрт баҳо.

32,7-38,0 гача беш баҳо

1-2 ОБ- 12,6 баллдан 1,8 балл талабанинг машгулотда катнашиши, маъруза матнлари билан ишлаш малакаси, фаоллиги бахоланади
10,8 балл тест ва ёзма ишга берилган жавобларнинг илмий, мантикий жихатдан ёритилишига берилади .

I- ОБ Тест-3,0 балл ёзма-1,8 балл.

II- ОБ Тест-3,6 ёзма –2,4 балл

ЖБ-14,0 балл Ушбу балл 20 соатлик семинар машгулотида тупланади. Талаба хар бир машгулотда 1,4 баллдан (максимал) таълим мазмунини узлаштириши лозим . Бунда куйидаги мезонлар оркали бахоланади .

1. Давомат-0,2 балл

2. Конспект-0,4 балл

3. Фаоллиги-0,6 балл

4. Адабиёт билан ишлаш-0,2 балл

ЯБ-11,4 балл Таянч тушунчаларга асосланган ёзма иш. Талаба берилган якуний саволларга илмий фактларга асосланиб мазмунан кенг жавоб бериши шарт.

№	МАЪРУЗА МАВЗУ	Со ат	Семинар соатла ри
1	Ижтимоий психологиянинг тарихи хозирги даврда тутган урни, предмети вазифалари	2	2

2	Хозирги замон ижтимоий психологиясининг методологик муаммолари ва методлари	2	2
3	Кичик гурухлар психологияси		
4.	Оилада узаро ижтимоий муносабатларнинг психологик муаммолари	4	4
5	Шахслараро муносабатлар тизимида шахсни ривожланиш муаммоси	2	4
6	Шахслараро муносабатлар тизимида «Укитувчи-укувчи, укувчи-укувчи» муносабатлари.	2	2
7	Педагогик жамоада узаро муносабатларни иж-й психологик муаммолари.	2	2
8.	Иж-й психологияда таълим ва тарбия муаммолари	2	2
	ЖАМИ	18	20

1. МАВЗУ: Ижтимоий психология фанининг вужудга келиши, предмети ва вазифаси.

МАВЗУНИНГ МАКСАДИ: Ижтимоий психология фанининг вужудга келиши, предмети, вазифаси, методларини урганиш.

МЕТОДИК ТАЪМИНОТ: Кургазмали куруллар, саволномалар туплами.

АДАБИЁТЛАР:

1. Петровский А.В. «Социальная психология».
2. Андреева. «Социальная психология».
3. Бугеев Л.П. «Социальная среда и сознание». Я-и, М-67. 46-55 б.
4. Каримов В. «Ижтимоий психология асослари». Т., 1994 «Укитувчи».
5. Каримова В. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт».
6. Шихерев П.Н. «Современная социальная психология». США-М, 1979.
7. «Социальная психология: история, теория эмпирические исследование». Под.ред. Е.С.Кузымина., В.Е.Семенова. Л., ЛГУ, 1979.

РЕЖА:

1. Ижтимоий психология фанининг муваккил фан сифатида вужудга келиши ва ривожланиши.
2. Ижтимоий психологиянинг предмети ва вазифалари.
3. Методологик муаммо ва илмий тадқиқот методлари.
4. Ижтимоий психология илмий тадқиқотларни узига хос хусусиятлари.
5. Мавзунинг баёни.

Маъруза матни.

Хар қандай ижтимоий воқеалик узининг психологик характериға эға. Ижтимоий қонуниятлар кишиларнинг фаолиятдан ташқарида вужудға келмайди, балки уларнинг онги ва иродаси таъсирида вужудға келади. Иккинчи томондан эса кишилар биргаликдаги меҳнатлари жараёнида бир-бирлари билан узиға хос тарзда муносабатға қирадилар. Мулоқатға қиришади ва узаро таъсир утқазади. Уларни психологик билимларсиз таҳлил қилиб бўлмайди. Ижтимоий психология фани ижтимоий ва психологик билимларни бир-бириға «қушилиши» натижасида вужудға келган, яъни ижтимоий жараёнларни онгли, тартибли равишда бошқариш эҳтиёжи ушиб борди. Унинг мустақил фан сифатида ривожланиши ва вужудға келиши тарихи жуда узок даврни уз ичига олади. 1-босқич 20-йилларни, 2-босқич 50-йилларни охирилари 60-йилларнинг бошларида.

50-йилларнинг охири 60-йилларнинг бошларида ижтимоий психологиянинг предмети ҳақидаги қарашлар муқаммаллашди. А.Г.Ковалёв «Вестник ЛГУ» журналида 2 та савол: 1. Ижтимоий психология фанини предметини уни вазифалари билан мослиги нуқтаи назаридан; 2. Ижтимоий психологияни психология билан узаро муносабати ва социологияни бошқа фанлар билан муносабатини масаласини аниқлашни тақлиф қилди.

Ижтимоий психологияни предмети бу-шахс психологиясида психологик хусусиятларини, сифатларини, хислатларини, жамоадаги урнини, типологиясини, шахсий жамоадаги мавқеини, мулоқат системасидаги шахслараро муносабатларини урганади.

Ижтимоий психология фанини вазифаси: шахслараро муносабатлар, коммуникатив жараёнлар, лидерлик, уюшқоклик-ходисаларини урганади.

Брейнсторнинг тадқиқоти, айниқса 50-йилларда Америка ва Франция давлатларида турли технологик муаммоларни ҳал қилишда кенг қулланилган ва унинг натижалари қуплаб мақола ва китобларға умумлаштирилган.

Жамиятни инсонлар ташкил этади. Унинг тараккиёти ва маънавий бойлиги ана шу инсонлар уртасида юзага келадиган узаро муносабатларнинг табиатига, улар амалга оширадиган ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Хар бир инсон жамиятда яшар экан у унда узига хос урин ва мавке эгаллашга интилади.

Инсонлар уртасидаги узаро муносабатларни ҳамда хар бир шахснинг жамоадаги урни ва унинг турлича ижтимоий муносабатлари табиатни урганувчи бир катор ижтимоий фанлар мавжуд булиб, уларнинг орасида ижтимоий психология алохида урин эгаллайди.

Ижтимоий психология-шахснинг ижтимоий гуруҳ аъзоси сифатидаги фаолияти ва хулқ атвори қонуниятлари ҳамда гуруҳларнинг психологик хусусиятларини урганувчи фандир. Ижтимоий психология одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил буладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқотлар, гоёлар, ҳис-туйғулар, кечинмалар турли хулқ-атвор шаклларини тушунтириб беради.

Ижтимоий психология бир катор ижтимоий фанлар билан узвий боғлиқ. Улар қаторига социология, педагогика, фалсафа, умумий психология ва шу қаби фанларни қиритиш мумкин. Социология ижтимоий гуруҳий индивидуал қадриятлар ва нормаларнинг табиати ҳамда характерини урганеди. Ижтимоий психология улар шаклланишишнинг аниқ хусусиятлари ҳамда у яшайдиган макро ва микро муҳитнинг таъсири ҳисобга олинади. Социология шахс ижтимоий фаоллигининг манбаларини тушунтириб берса ижтимоий психология эса бу фаолликнинг намоён булиш қонуниятларини ва йулларини тадқиқ қилади ва бу фаоллик тулик амалга ошишининг шароитларини аниқлашга ёрдам беради.

Педагогикада кулга киритилган тажрибадан фойдаланар экан, ижтимоий психология, шахс ва жамоага тарбиявий таъсир курсатиш самарадорлигини ошириш, таълим тарбия жараёнини такомиллаштириш йулларини очиб беради. Ижтимоий психология педагогларни жамоалар, уларда шахслараро муносабатларни психологик тахлил килишнинг илмий усуллари билан куроллантиради ва бу оркали энг мухим масала янги инсонни шакллантириш вазифасини хал килишга ёрдамлашади. Шундай килиб, ижтимоий психология кишиларнинг турли хилдаги гурухлар хусусан оила, мактаб, укув ва педагогик жамоалардаги мулокат ва узаро таъсир жараёнида вужудга келадиган муносабатларни урганади.

Ижтимоий психология ва ижтимоий фаолият билан шугулланувчи фанларнинг асосий вазифаси баркамол авлод тарбиясини таъминловчи барча маънавий ва рухий муносабатлар мохиятини уларни бошқаришнинг энг самарали усулларини хаётга тадбик этишдир. Бу уринда айникса ижтимоий тафаккурнинг янгича дунёкараш ва муносабатларнинг шаклланишини. Инсоннинг узига ва узгаларга таъсир этиш механизмларини урганиш энг долзарб масалалардандир.

Ижтимоий психологиянинг булимлари куйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий гурухлар ва уларнинг психологик хусусиятларини урганиш.
2. Шахс психологияси.
3. Кишиларнинг биргаликдаги фаолиятларида амалга ошириладиган узаро таъсир ва мулокат жараёнлари конуниятларини урганиш.
4. Турли хил жамоалардаги шахслараро муносабатлар.

Хар бир шахс хамиша маълум ижтимоий гурухлар доирасида фаолият курсатади. Бу унинг оиласи, меҳнат жамоаси куча куйда норасмий гуруҳдаги дустлари доирасида узини тутиш, хулк-атвори, мавкеи, унга узига хос гуруҳий таъсирлар, гуруҳдаги шахслараро мослик, лидерлик, гуруҳий тазикга берилувчанлик каби катор ходисаларни урганиш ижтимоий психологиянинг муҳим соҳаларидан биридир. Ижтимоий психология урганадиган энг муҳим масалалардан бири муомаладир. Бугунги кунда ижтимоий психологиянинг предмети ва унинг доирасида утказиладиган барча тадқиқотларнинг умумий объекти ҳам муомаладир. Унинг инсон ҳаётида тутган урнини аниқлаш, турли ижтимоий хил фаолиятлар шароитида самара берадиган муомала турлари ва услубларини ёритиш, унинг соф психологик механизмларини тадқиқ этиш фаннинг энг тадбиқий йуналишларидандир.

Инсоният тарихини урганар эканмиз мутафакирлар олимлар, алломалар ижтимоий психологик ходисалар билан жуда кизикканликларининг гувоҳи буламиз. Лекин улар бу ходисаларни уз даври руҳида, уз назарий ва ижтимоий карашлари доирасида тушунтиришга уринганлар. Платон узининг «Давлат ва конунлар» деб аталган диологларида шахснинг жамият билан алоқалари масаласига тухталиб, жамият индивидга нисбатан узгармас бир бирликки, унинг тараккиёти жамият ривожланиши конуниятларига буйсинади, деган фикрни билдирган. Улардан кейинги янги давр файласуфлари Гоббс, Локк, Руссо, Гегель, шарк файласуфларидан Беруний, Фаробийлар ҳам барча асосларида шахс ва жамият карама каршиликларини илмий асосда шархлашга уриндилар, лекин ҳеч кайсиси бу муоммони ижтимоий психологик муоммо даражасига кутара олмади. Социологиянинг асосчилари хисобланган Конт, Гербер,

Спенсер ва бошқалар жамиятдаги ижтимоий ходисаларни урганиш учун албатта, узига хос, айрим психологик ҳолатларни урганмок лозим деган фикрни исбот килдилар.

Ижтимоий психологиянинг уч назарий манбаи:

1. Халқлар психологияси-ижтимоий психологик назария сифатида 19-асрнинг урталарида Германияда шаклланди. Ундаги асосий назарий фикр шундан иборат эдики, айрим индивидлардан юкори турадиган рух мавжуд булиб, бу рух узидан ҳам юкори турадиган илохий яхлитликка буйсилади. Бу яхлитлик халқ ёки миллатдир. Халқлар психологиясининг вазифаси халқ рухи мохиятини урганиш, халқ рухияти қонуниятларини очиш, халқ психологиясига оид булган узига хос хусусиятларнинг пайдо булиши ва йуқолишини тушунтириб беришдир.

2. Омма психологияси пайдо булишига тарихий асос ишчилар синфининг пайдо булиши ва Европада ишчилар харакатининг оммавий тус олиши булди. Оммавий ходисаларни урганиш натижасида 1890 йилда Габриел Тарднинг «Таклид килиш қонунлари» деб аталган биринчи китоби чикди. Бу китобда Францияда руй бераётган оммавий ходисаларни, шу ходисаларда иштирок этаётганларнинг хулқ-атворини таклид килиш орқали тушунтиради.

3. Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлар назарияси. Бу назария 20-асрнинг бошида Англяда шаклланди. Унинг асосчиси инглиз психологи Уильям Макдугалл булиб, у узининг 1908 йилда ёзган «Ижтимоий психологияга кириш» китобидаги инсон хулқ-атворининг мотиви ёки уни харакатга келтирувчи қуч инстинктлардир деб ёзган. Кейинчалик у инстинкт тушунчаси билан бирга лаёкат, интилиш, ибораларини ҳам ишлата бошлади. Унинг фикрича хулқ-атворни таъминловчи нарса тугма

психофизиологик тайёргарлик холати булиб у наслдан наслга узатилади.

Собик иттифок жумхуриятларида биринчи навбатда русияда ижтимоий психология 20-йиллардан бошлаб ривожлана бошланди. Бу борада рус ижтимоий психологиясининг асосчиси В.М.Бехтеревни курсатиш мумкин. У узининг рефлексалогия назарияси доирасида шахс хулк-атворининг мотивларини тушунтиришга уринган. Унинг фикрича, барча онгли ва онгсиз жараёнлар ташки хулк-атвор харакатларида ифодаланади, шунинг учун ҳам ташки харакатларни, киликларни нуткни, товушни урганиш оркали шахснинг узини ва бу харакатларнинг сабабларини урганиш мумкин.

Ижтимоий психология охириги йилларда психология фанининг етакчи сохаларидан бирига айланди. Г.М.Андреева. А.А.Бадалёв. Е.С.Кузмин, Б.Д.Паригин. Е.В.Шороховалар томонидан купгина тадқиқотлар утказилди.

Республикамизда ижтимоий психология билан профессорлар Г.Б.Шоумаров, В.М.Каримова ва Н.Согинов ҳамда бошка психологлар шугулланишмоқда. Ижтимоий психология тадқиқотлар марказида шахс ва жамоа муаммолари, у билан боғлиқ булган жамоадаги индивидларнинг узаро таъсири шахснинг меҳнат ва укув фаолиятида шаклланиши механизмлари, гуруҳ ва жамоалар жипслигини ошириш йулларини излашга бағишланган муҳим масалалар турибди.

Таянч тушунчалар: шахс, ижтимоий гуруҳ, омма психологияси, халк психологияси, инстинкт.

Назорат саволлари:

1. Ижтимоий психологияни урганишнинг ахамияти?
2. Ижтимоий психологияни бошка фанлар тизимида тутган урни?

3. Ижтимоий психологиянинг предмети ва вазифаси?
4. Ижтимоий психологияга доир дастлабки асарлар?

2. МАВЗУ: Хозирги замон ижтимоий психология фанининг методологик муаммолари ва методлари.

МАВЗУНИНГ МАКСАДИ: Хозирги замон ижтимоий психология фанининг методологик муаммолари ва методларини урганиш.

МЕТОДИК ТАЪМИНОТ: Кургазмали куруллар, саволномалар туплами.

АДАБИЁТЛАР:

1. Петровский А.В. «Социальная психология».
2. Андреева. «Социальная психология».
3. Бугеев Л.П. «Социальная среда и сознание». Я-и, М-67.46-55 б.
4. Каримов В. «Ижтимоий психология асослари». Т., 1994 «Укитувчи».
5. Каримова В. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт».
6. Андреева Г.М. «Актуальные проблемы социальной психологии». М., МГУ, 1988. 432 б.

7. Асмолов А.Г. «Личность как предмет психологического исследования». М., Педагогика, 1984.

РЕЖА:

1. Ижтимоий психология фанининг методологик муаммолари.
2. Ижтимоий психологик тадқиқотларга қўйиладиган асосий методологик талаблар.
3. Ижтимоий психологиянинг асосий методлари.
4. Мавзунинг баёни.

«Методология» тушунчасининг моҳияти нимада? Бу тушунчани турли назарий қарашлардаги олимлар турлича шарҳлайдилар ва тушунадилар. Масалан, америкалик психологлар методология деганда, тадқиқот жараёнида ишлатиладиган барча тадқиқот услублари ва техник жараёнларни тушунадилар. Лекин методология тушунчаси аслида услублар йиғиндисидан кенгрок тушунчадир. Ҳозирги замон Европа мамлакатларидаги олимлар, хусусан рус олимлари фандаги методология деганда: ушбу фан фалсафий асослари ва назарий қонуниятларидан келиб чиқадиган билимлар билан текширишнинг конкрет усуллари мажмуасини тушунадилар. Яъни «методология» тушунчаси конкрет методлар ёки техник усуллар тушунчаларидан кенгрокдир.

Ижтимоий психология тадқиқотларнинг методологик муаммоларига куйидагилар киради.

1. Эмприк маълумотлар муаммоси, яъни қай турдаги маълумотларни ижтимоий психологик маълумотлар сифатида қабул қилиш мумкин. Хар қандай тадқиқотчи иш бошламай туриб, аввало нимани эмприк бирлик қилиб олишини аниқ тасаввур қилиш ва назарий жиҳатлари тугрисида тасаввурга эга булиши керак.

2. У ёки бу ижтимоий психологик назария асосида қонуниятлар яратиш ва илмий тахминлар қилиш муаммоси. Илмий тадқиқот бошлашдан олдин тадқиқотчи маълум тахминлар юритади, лекин шу тахминларни аниқ чиқиши уша муаммо буйича пишиқ пухта назариянинг бор-йуклигига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам қупинча фан соҳасига эндигина қадам қуйган ёш тадқиқотчилар гипотезалар-тахминан баён этишга қийналадилар, чунки ижтимоий психологияда айниятлар айрим алоҳида тадқиқотлардан умумий хулоса олиш орқали тузилмайди, яъни дедуктив усул хар доим ҳам қул келавермайди.

3. Ижтимоий-психологик маълумотларнинг сифати масаласи, яъни қандай маълумотларни сифатли, ишонарли деб аташ мумкинлиги масаласидир.

Ижтимоий психологик маълумотларнинг ишончилиги. Сифат гап қетганда аввало тадқиқотчининг тадқиқот объектини қанчалик тугри танлагани ҳамда туплаган маълумотларнинг ишончилигини қандай усуллар билан текширганлиги назарда тутилади.

Ижтимоий психологиянинг методологик муаммолари асосан 3 тахлил даражасига боғлиқ ҳисобланади. Собик совет психологиясида бу тахлил даражалари сифатида қуйидагилар қабул қилинган:

1. Умумий методология.

Бунда фалсафий конуниятлар ва конуниятларнинг жамият-фан тараккиётидаги тутган урни куриб утилади.

2. Хусусий методология. Бу ҳам умум фалсафий карашлардан келиб чиккан холда конкрет фанга тегишли (ижтимоий-психологик) методология асослари куриб чикилади.

3. Конкрет методлар йигиндиси (кузатиш, анкета, тест методлари).

Ижтимоий психология тадкикотларига куйиладиган асосий методологик талаблар. Ижтимоий-психологик тадкикот утказиш натижасида кулга киритилган ахборот куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Ишончлилик.

2. Асослилик ёки валидлик.

3. Аниклик.

Ижтимоий психологик тадкикотдан олинган ахборотнинг ишончлилиги кайта текшириш утказилганда ҳам бир хил маълумотлар тупланиши, турли тадкикотчилар томонидан бир хил натижаларини кулга киритиш. Асослилик ёки валидлик-аввалом бор тадкикотчи куллайдиган воситанинг хусусиятлари ва бу воситанинг айнан тадкикотчини кизиктираётган урганилаётган объектнинг айнан зарур хусусиятларни аниклаш имконига эгаллиги билан белгиланади.

Ижтимоий психологик ахборотнинг аниклиги тадкикотчи томонидан кулланилаётган методикаларни уни кизиктираётган мослиги билан белгиланади.

Хар кандай ижтимоий-психологик тадкикот, объектини урганиш дастурини тузишдан бошланади. Бу дастур уз ичига назарий ва амалий вазифаларни тадкикот утказиш жараёни ва

техник воситалари, тадқиқот тахмини, методикаларини аниқлаш репрезентатив текширилувчиларни танлашни олади. Тадқиқот тахмини-тадқиқотчи томонидан илгари суриладиган илмий фараз. Бу тахмин утказиладиган тадқиқот натижасида исбот қилинади.

Тадқиқот методи – бу тадқиқотчини қизиқтирган ахборотни қулга киритиш йули воситаси.

Тадқиқот методикаси – бу турли жараёнлар ва уларни хусусиятлари тугрисидаги зарур ахборотни қулга киритиш учун ишлатиладиган конкрет усул ва воситалар мажмуидир. Ижтимоий психологик тадқиқот дастури пилотаж текширув утказилгандан кейин аниқланиб конкретлаштириб олинади. Пилотаж тадқиқот бош йуналишни асосий тадқиқот методлари ва уни ташкил қилиш принципларини белгилаб олишни таъминлайди. У тадқиқот утказиш вақти, жойи, вазиятини текшириб қуриш имконини беради. Пилотаж эксперимент давомида тадқиқотчи томонидан тадқиқот утказиладиган текширилувчилар сони ва хусусиятлари аниқланади.

Танлаб олинган текширилувчилар – бу барча индивидлар ичидан тадқиқот учун танлаб олинган индивидлар.

Тадқиқот методларини тугри танлашда пилотаж – синов тадқиқоти утказишнинг ахамияти катта. Бунда уша гипотезаларнинг қанчалик асослигини ҳам методикани айнан мақсадга мувофиқлигини ҳам текширилувчилар объектнинг тугри танланганлигини маълумотларнинг турғунлиги, ишончлилигини ҳам текшириб олиш мумкин.

Асосий тадқиқот утказилгандан сунг текширувчи туплаган маълумотларнинг асослилиги яъни танлаган услубининг айнан шу сифатларни текширишга қаратилганлигини уларнинг турғунлигини, яъни ҳар қандай шароитда ҳам, шу хилдаги

маълумот тупланишини ва маълумотларнинг аниклигини, яъни танланган услуб мақсадга мувофиқлигини исботлаб бориши керак.

Ижтимоий психологияда кулланиладиган методлар психологиянинг бошқа тармоқларида ишлатиладиган методларидан номи билан ҳамда мақсадларига қура фарқ қилмасда ижтимоий психологик тадқиқотдаги услублар узига хос хусусиятларга ҳамда қуринишларга эга. Ижтимоий психология асосий методлари қуйидагилардан иборат.

1. Кузатиш методи – узига хос ижтимоий шароитларда, узига хос вазиятларда ва маълум гуруҳларда ишлатилади. Бунда тадқиқотчи нимани кузатиш, қандай йул билан кузатиш қанча вақт давом этишини олдиндан белгилаб олгандан сунг илмий тадқиқотни бошлайди бунинг учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиши зарур.

А) Кузатиш мақсадининг аник булиши. Б) Илмий мақсадларга мос келиши. В) Кузатиш шаклини танлаш ва натижаларни қайд этиш усулларини ишлаб чиқиш. Г) Маълум режа асосида мутасил кузатув олиб бориш. Д) Олинган натижаларнинг асослилиги ва ишончилигини бошқа усуллар ёрдамида текшириб қуриш. Кузатишнинг бир неча турлари фарқланади: қушилиб кузатиш, ташқи кузатиш, очик кузатиш, ёпик кузатиш, табиий кузатиш, лаборатория кузатиш.

2. Хужжатларни урганиш методи. Бу метод социология фанидан қириб келган ижтимоий фаолиятнинг махсулини урганишга қаратилган булиб тупланган маълумотларнинг ишончилиги, математика ва статистика методлари ёрдамида қайта ишлаш имкониятининг мавжудлилиги сабабли маълум афзалликларига эга. Хужжат деганда оғзаки (сузланган нутқ матнлари, суҳбатларнинг ёзиб олинган қисмлари бевосита мулоқат) ёки

ёзма (расмий хужжатлар газета, адабиёт материаллари, маколалар) холда тавсия этилган маълумотлар назарда тутилади. Бу методнинг асосчилари америкалик социологлар Х.Лассуэлл ва Б.Берельсонлардир. Улар «хакикий» америкалик номли газетанинг кундалик чиқишларини контент-анализ (маънавий ҳам сифат, миқдорий жиҳатдан, гоя, фикр тушунчаларини анализ қилиш) қилиб уларни фашистик йуналишдаги газета эканлигини исбот қилишган ва унинг чиқишини таъқиқлашга эришган. Контент анализ тадқиқотчидан катта укувни талаб қилади чунки 1 мантнни тушуниш махорати булиши керак.

3. Сурок методи. Ижтимоий психологик тадқиқотларда кенг қулланилади, айниқса анкета суроги ва интервью методлари. Сурог методи тадқиқотчи билан текширилувчининг бевосита-сухбат, интервью ёки билвосита-анкета мулоқати туфайли маълумотлар туплаш усулидир.

4. Анкета методи. Анкета саволларига кура очик ва ёпик турларга булинади. Очик анкетада текширилувчи уз фикрини билганича баён этиши мумкин. Ёпик анкетада саволларнинг жавоблари берилган булиб, текширилувчи узига маъқул булган жавобни белгилаши мумкин.

5. Ижтимоий-психологик тестлар. Тестлар 20-30 йилларда пайдо булган. Тестлар орқали шахснинг хусусиятлари, билиш даражалари урганилади.

6. Ижтимоий психологик эксперимент – бу ижтимоий ходисаларни мақсадида текширилувчи билан текширувчи уртасидаги мақсадга қаратилган мулоқатдир. Эксперимент табиий ва лаборатория шароитидаги эксперимент методларига булинади. Таэкспериментга рус педагоги А.Макаренконинг жамоанинг шаклланиши ва уни уюштириш борасида олиб борган тадқиқотларни олиш мумкин. Америкалик психолог М.Шериф эса

гурухлараро муносабатларга феноменларни табиий шароитда режа асосида текширган. Лаборатория эксперименти махсус шароитларда, махсус хоналарда, керакли асбоб-ускуналар ёрдамида утказилади. Биринчи булиб рус олими Бехтерев утказган. У махсус асбоблар ёрдамида идрокнинг аниклигини хотиранинг сифатини. Кузатувчанлик хусусиятларини якка ва тупшароитида солиштириб урганади. Лаборатория эксперименти кейинчалик Ананьев Б.Г., Кузмин Е.С., Мерлин В.С. ва бошқалар томонидан такомиллаштирилди ва бу ижтимоий психологияда аппаратура услуги деб кулланилади.

Махсус асбоб-ускуналар ёрдамида гурух аъзоларида ишонувчанлик-конформизм ходисаларини, узаро муносабатлардаги хусусиятларни урганиш мумкин. Роршахнинг «Сиёх доглари» проектив усули. Бу доглар икки томондан симметрик шаклда берилган 10 хил доглардан иборат булиб, хар бир дог хар хил буёкли фонда курсатилади. Текширилувчидан хар бир догнинг нимани эслаётганлигини айтиш суралади. Унинг огзидан чиккан сузлар ассоцияларга караб уларни контент-анализ килиб шахснинг хусусиятлари хакида хулоса килинади. «Тугалланмаган хикоялар» каби усуллар. С.Розенцвейнинг расмли ассоциялар усули. Шундай килиб, ижтимоий психология хозирги кунда жуда куп методларга эга.

Таянч тушунчалар: Методология, метод, валидлик, кузатиш методи, эксперимент, хужжатларни урганиш методи, анкета методи. Назорат саволлари:

1. Методология тушунчасининг мохияти нима?
2. Ижтимоий психологияда методологик муаммолар ва талаблар нималардан иборат?
3. Кандай асосий методларни биласиз?

3 МАВЗУ: Кичик ва катта гурухлар психологияси.

МАВЗУНИНГ МАКСАДИ: Кичик ва катта гурухлар психологиясини урганиш.

МЕТОДИК ТАЪМИНОТ: Кургазмали куруллар, саволномалар туплами.

АДАБИЁТЛАР:

1. Петровский А.В. «Социальная психология».
2. Андреева. «Социальная психология».
3. Бугеев Л.П. «Социальная среда и сознание». Я-и, М-67. 46-55 б.
4. Каримов В. «Ижтимоий психология асослари». Т.,1994 «Укитувчи».
5. Каримова В. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт».
6. Каринеге Д. «Как завоёвывать друзей и оказывать влияние на людей». Пер.с англ М., «Прогресс», 1990.712 б.
7. Коломинский Я.В. «Психология взаимоотношения в малых группах». М., БГУ, 1976.351 б.

РЕЖА:

1. Ижтимоий психологияда гурух муаммоси.
2. Катта ижтимоий гурухларнинг психологик тавсифномаси.
3. Ижтимоий психологияда кичик гурухларнинг умумий муаммолари.
4. Кичик гурухлардаги динамик жараён.
5. Хулоса.
6. Мавзунинг баёни.

Кириш.

Хар бир шахс уз фаолиятини турли гурухлар шароитида ёки турли гурухлар таъсирида оширади. Чунки жамиятдан четда колган ёки инсонлар гурухига умуман кушилмайдиган индивиднинг узи йук киши жамиятда яшар экан, у доимо турли инсонлар билан мулокатда узаро таъсирда булади, бу мулокат жараёнлари эса доимо кишилар гурухида руй беради. Шунинг учун ҳам гурухлар муаммоси, уни урганиш ва гурухларнинг шаклланишига оид илмий хулосалар чикариш ижтимоий психологиянинг асосий мавзуларидан ва муаммоларидан биридир.

Гурух: одамларнинг биргаликдаги фаолият мазмуни ёки мулокатда булиш характери каби катор белгиларига асосланган ижтимоий жамоа. Кичик гурух аъзолари биргаликдаги фаолият билан шугулланувчи ва бевосита шахслар орасида муносабатда булувчи кишилар гурухи. Шунингдек, гурухлар катта ва шартли гурухларга булинади. Катта гурухлар-социал умумийликни ташкил киладиган реал гурухлар шаклида булади. Шунингдек, катта гурухлар баъзи бир белгилари (синфий, жинсий, миллий ёки ва бошка белгиларга) биноан ажратиладиган ва бирлаштириладиган шартли гурухлар шаклида булиши ҳам мумкин.

Кичик гурухлардаги динамик жараёнлар, маълумки гурухга тупланган кишилар уртасида доимий мулокат ва муносабатлар мавжуд буладика, улардан мазмуни ва йуналишига кура, узига хос социал психологик мухит шаклланди. Бу мухит гурухдан тараккиётини ҳам, унинг турли жараёнларини ҳам белгилайди. Гурухнинг динамик жараёнлари деганда аввало ундан шакилланма жараёни, лидерлар ва гурухда турли карорларни хосил килиш жараёни гурухдан хар бир шахсга таъсири кабилар тушунилади. Гурух жамият эхтиёжлари ва ижтимоий талаблар асосида пайдо булади. Психологик томони хар бир нормал

инсонга мулокатга булган эhtiёж хамда турли хаёт вазифаларида узининг ижтимоий химоюда сезиш эhtiёжи борки, бу нарса турли кичик жамоаларда уларни билимини такозо этади. Ташки конформизм-индивид гурух фикрига номигагина кушилади, аслида гурух рухан карши туради. Ички конформизм-индивид гурух фикрига тулик кушилади. Ана шундай вазиятларда гурух ва индивид орасида зиддият пайдо булмаиди. Негативизм-хар кандай вазиятда индивиднинг гурух фикрига карши туриши узича мустакил фикр ва мавкеини намоён килишидир. Агар аралиш гурухларда узаро муносабатлар нисбатан бевосита булса, жамоада эса гурухий жараёнлар бевосита руй беради ва даражалар иерархиясини хосил килади.

Хар бир шахс уз фаолиятини турли гурухлар шароитида ёки турли гурухлар таъсирида амалга оширилади. Чунки жамиятдан четда колган ёки инсонлар гурухига умуман кушилмайдиган индивиднинг узи йук, киши жамиятда яшар экан у доимо турли инсонлар билан мулокатда узаро таъсирда булади. Бу мулокат жараёнлари эса, доимо кишилар гурухида булади. Шунинг учун хам гурухлар муаммоси, уни урганиш ва гурухларнинг шаклланишига оид илмий хулосалар чикариш ижтимоий психологиянинг асосий мавзуларидан ва муаммоларидан биридир.

Психология маънода гурух-бу белгилар, умумий фаолият, мулокат хамда максад асосида бирлашган кишилар уюшмасидир. Демак, одамлар гурухи ташкил топиши учун албатта кандайдир умумий максад ёки тилаклар, умумий белгилар булиши шарт. Гурухни алохида шахслар ташкил килади, лекин хар бир гурух психологияси уни ташкил этувчи алохида шахслар психологиясидан фарк килади ва узига хос конуниятларга буйсинади.

Гурухларнинг турлари куп. Шунинг учун хам уларни турли психолог олимлар турлич классификация киладилар. Андреева хар кандай кишилар гуруhini аввало шартли ва реал гурухларга булади. Реал гурухлар аник тадкикот максадларда тупланган лаборатория типдаги хамда табиий гурухларга булинади. Конкрет фаолият ва одамларнинг табиий эhtiёжлари асосида ташкил топадиган бундай гурухларнинг узи кишиларнинг сонига караб катта-кичик гурухларга булинади. Катта гурухлар уни ташкил этувчиларнинг максадлари фазовий жойлашишлари психологик хусусиятларига караб уюшган ва уюшмаган турларга булинади. Кичик гурухлар эса уз навбатида энди шаклланаётган диффуз хамда тараккиётнинг юксак погонасига кутарила оладиган жамоа турларига булинади.

Катта гурухлар кишиларнинг шундай бирлашмаларини, ундаги одамлар сони купчиликни ташкил этиб, маълум синфий, илмий, иркий, касбий белгилар уларнинг шу гурухга мансублигини таъминлайди. Бу хилдаги катта гурухларга корхонанинг мехнат жамоаси ёки укитувчи жамоаларини киритиш мумкин. Катта гурухни ташкил этувчилар сони куп сонли булганлиги ва улар хулк-атворини белгиловчи хусусиятларнинг узига хослиги туфайли ижтимоий психологияда олимлар купинча кичик гурухларда иш олиб боришни афзал курадилар. Лекин катта гурухдаги кишилар уюшмасининг психологиясини билиш жуда катта тарбиявий ва сиёсий мафкуравий ахамиятга эга.

Ижтимоий психологияда катта гурухлар ичида этник гурухлар психологияси, яъни этнопсихология буйича купрок тадкикотлар утказилган. Шунинг учун хам катта гурухлар ичида миллий гурухларга купрок эътибор берилди. Бунинг боиси шуки, Узбекистонда бу сохада айрим тадкикотларнинг утказилганлиги,

лекин улар куп холларда миллий психология даражасига олиб чикилмаганлигидадир.

Савол: Миллий психология нима ва уни кандай килиб урганиш мумкин? Бу хозирда яъни мустакил Узбекистон шароитида. Купгина тадқиқотчиларни кизиктираётган масаладир. Чунки давр этнопсихологиядан шундай маълумотлар кутмоқдаки, у факатгина миллий онгга таллуқли булган хозирги ва утмишдаги холатни эмас, балки миллатнинг эртанги кунини, унинг онги кайси томонга узгаришни, миллатлараро содир булаётган жараёнларни билиш лозим.

Этнопсихология-бу психологиянинг шундай тармоғики, у айрим миллатлар психологиясидан ташқари, турли халқлар психологиясини, кичик миллий гуруҳларни ҳам урганади. Бу борадаги биринчи илмий тадқиқотларни В.Вундт бошлаб берган эди. Унинг фикрича, этник гуруҳлар психологиясини урганиш учун уларнинг тилини одатларини ва ана шу халқларда кенг тарқалган афсоналарни урганиш керак. Бундан кейинги даврда утказилган тадқиқотлардан бири бизнинг улқамизда утказилган булиб, уни утказишдан мақсад Л.С.Виготскийнинг маданий-тарихий ёндашув гоёсини текшириш эди. Тадқиқот асосан уз-узини анализ килиш методи ёрдамида утказилган булиб, аёлларга турли саволлар орқали уз шахсига хос хусусиятларни, узидаги етакчи сифатларни аниқлаш ва баъзи психологик холатларга баҳо бериш топшириғи берилди. Жавобларнинг сифати тулиқлиғи аёлларнинг билим савиясига ва ижтимоийлоқалар тизимида тутган урнига боғлиқ булиб чиқди.

Рус тадқиқотчиси Г.У.Кцосванинг ёзишича бу ерда турт гуруҳли методларни курсатиш мумкин..

1. шкалани улқов методлари.
2. кузатиш ва сурок методлари.

3. проектив методлари

4. шахснинг алоҳида сифатларни аниқлашга қаратилган тестлар. Масалан, К.Дейкер ва Н.Фрейдларнинг миллий характер хусусиятларини урганишга қаратилган тестлари. Улар асосан шахснинг таъсирчанлиги ва хиссий реакцияларини урганади. Бундан ташқари, шу гуруҳ тестларга алоҳида интеллектни текширувчи, маънавий дунёқарашини урганиш, адолат хиссини аниқлаш, бадиий дид тестлари қиради.

Кичик гуруҳлар муаммоси ижтимоий психологияда энг яхши ишлаган ва куплаб илмий тадқиқот утқазилган объектлардандир. Бу анъана америкада асримиз бошида утқазилган ва куплаб экспериментал тадқиқотлардан бошланган булиб, уларда олимлар олдига қуйилган асосий муаммо шу эдики, индивид якка холда яхши ишлайдими ёки гуруҳда яхшироқ самара берадими, бошқа одамларнинг ёнида булиши унинг фаолиятига қандай таъсир қурсатади олинган маълумотлар шуни қурсатадики, бошқалар билан ҳамкорликда булган индивид фаолиятининг тезлиги ошади, лекин харакатлар сифати анча пасайиши аниқланди.

Бундай маълумотлар америкалик Н.Триплетт, немис олими А.Майёр, В.Мёде, рус олими В.М.Бектеревларнинг тадқиқотларида қайд этилади.

Биринчидан, кичик гуруҳларнинг хажми, уни ташкил этувчи шахслар сони хусусида шундай фикрга келиндикки кичик гуруҳ «диада» 2 кишидан тортиб, то мактаб шароитида 30-40 кишигача деб қабул қилинди 2 кишилик гуруҳ дейилганда, аввало оила-янги шаклланган оила купрок назарда тутилади.

Иккинчи, гуруҳнинг улчами қанчалик қатта булса, унинг алоҳида олинган шахслар учун қадрсизланиб бориш хавфи қучаяди, яъни шахснинг қупчиликдан иборат гуруҳдан узини тортиш ва унинг нормаларини бузишга мойиллиги ортиб боради.

Учинчидан, гуруҳнинг хажми қичиклашиб борган сари шахслараро узаро муносабатлар таранглашиб боради. Чунки шахсларнинг бир-бирлари олдида маъсулиятларнинг ошиши

якиндан билишлари уларнинг уртасидаги алокаларда доимо аниклик булишини талаб килади.

Туртинчидан, агар гурух аъзоларининг сони ток булса улар уртасидаги узаро муносабатлар жуфт булган холдагина анча яхши булади. Шундан булса керак бошкарув психологиясида одамларни бирон нимага сайлашда ва умуман расмий танловларда гурухдаги одамлар сони ток олинади.

Бешинчидан, шахснинг гурух тайзикига берилиши ва буйсиниши хам гурух аъзоларини сонига боглик. Гурух сони 4-5 киши булгунча унинг таъсири кучая боради. Лекин ундан ортиб кетган таъсирчанлик камайиб боради.

Кичик гурухлар хамиша богланган умумийлик булиб унга кирувчи шахсларнинг узаро биргаликдаги реал харакати ва улар уртасидаги реал узаро муносабатлар билан боглангандир. Кичик гурухлар расмий ва норасмий турларга булинади. Бундай булинишни америкалик олим Э.Мэйо таклиф этган эди. Расмий гурухга мисол килиб хар кандай биргаликдаги фаолият максадлари асосида шаклланган жамоаларни ишлаб чикариш бригадаси, талабалар гурухи, синф укувчилари, педагогик жамоа ва бошкаларни киритиш мумкин. Демак расмий гурухлар юридик жихатдан кайд этилган хукук ва бурчларга норматив асосида урнатилган тузилишга сайлаб куйилган рахбарликга эга булади. Норасмий гурухлар асосан стихияли тарзида аник максадсиз таркиб топади купинча норасмий гурух расмий гурух таркибида ташкил топади ва уларни бошқариш олдиндан белгиланган булмаи одамлар ичидан у ёки бу шахсий сифатлари туфайли ажралиб чиккан аъзолар норасмий рахбарлик ролини бажаришлари мумкин.

Бундан ташкари ижтимоий психологияда референт гурух тушунчаси хам бор. Бу тушунчани фанга биринчи марта

америкалик тадкикотчи Г.Хаймен томонидан 1942 йил киритилган эди.У уз тадкикотларида шуни исбот килдики маълум булишича гурух аъзолари учун шу гурух ичида шундай шахслар гурухи мавжуд булиб у уз харакатлари ва фикрлари йуналишларида уша гурух аъзоларига эргашиш уларни танкидсиз кабул килишга мойил булишади. Шундай шахслар гурухи референт гурух номини олган. Маълумки гурухда тупланган кишилар уртасида доимий мулокат ва муносабатлар мавжуд буладика, уларни мазмуни ва йуналишига кура узига хос ижтимоий психологик мухит шаклланади. Гурух жамият эхтиёжлари ва ижтимоий талаблар асосида пайдо булади. Масалан синф жамоаси доимо болаларнинг тугилишини ривожланиши ва уларнинг мактабларда таълим олишлари кераклиги учун пайдо булади. Бу масаланинг ижтимоий томони. Психологик томони эса, у одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши одамлар ичида булиши билан боглик хар бир нормал инсонда мулокатда булган эхтиёж хамда турли хаётий вазиятларда узини ижтимоий химояда сезиш эхтиёжи борки бу нарса турли кичик жамоаларда уларни булишини такозо этади. Гурух уз аъзоларига маълум тарзда таъсир курсатади. Бу ходиса психологияда конформизм деб аталади. Гурух фикрига харакатига кушилиш турли шаклларда булиши мумкин.

1. Ташки конформлилик-индивид гурух фикрига номигагина кушилади аслида рухан у гурухга карши туради.
2. Ички конформлилик индивид гурух фикрига тула кушилади ва рухан кабул килади.

Негативизм бу индивиднинг хар кандай шароитда хам гурух фикрига карши туриши узига мустакил фикр мавкейини намоён килишидир. Гурухдаги яна бир жараён бу гурухнинг уюшкоклиги муаммосидир. Гурух аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари дунёкарашлари хаётий принциплари, кадриятларини яхши тасаввур килишлари уюшкоклигининг биринчи омилидир. Асосий омил бу уша гурухни бирлаштириб турган фпаолият максадларини унинг йуналиши ва мазмунини билишдаги


гоявий бирликдир. Шартли гурух одамларнинг айрим белгилари (ёши, касби)га караб гурухга бирлашуви.

Жамоа-максадлари жамият максадларига мос келадиган умумий фаолият билан бирлашган одамлар гурухи. Жамоанинг негизи умумий фикр максад ва ишлаб чиқаришга таълуқли қарорларни шакллантирувчи жамоа аъзолари. Гурухнинг ҳар бир аъзоси узининг ишчанлик ва шахсий фазилатларига, уз статусига, яъни унинг гуруҳда тутган урни ҳуқуқлари бурчларига гурух томонидан тан олинishi мумкин булган фазилатлари хизматлари ёки гурух томонидан тан олинмаслиги мумкин булган нуфузига биноан шахслараро муносабат системасида муайян мавкейга эга булади.

Уқувчилар.

1. Спортчи-донг таратган машхур эътиборли.
2. Аълочи-жамоатчи.
3. Ҳазилқаш, дилқаш, қулдиришга уста.
4. Жиддий, самимий, суҳбатдош.
5. Ишончли, узига ишонадигандек ишониш.
6. Умуман ҳеч нарса ишониб булмайд.

Бу ҳол синфда гурухнинг етарли ранг-баранг табақаланишига олиб келади.



Психологияда гурух ичидаги табақаланишининг иккита асосий системаси-социометрия ва референтометрия афзал қуриш ва танлашлар мавжуд. Шахслараро танлаш социометрия яъни яхши уқувчи булиши мумкин лекин уртоқларига ёқмаслиги синфдаги энг интизомсизлар сафида булиб ва қупчилик учун азиз булиши мумкин. Америкалик психолог Ж.Моренно гуруҳларда шахслараро афзал қуришларни аниқлаш усулини ва хиссий афзал қуришларни қайд қилиш техникасини таклиф қилган. Социометрия ёрдамида шахслараро биргаликдаги ҳаракат жараёнида гурух аъзоларида номаён буладиган афзал қуришнинг бефарқлик ёки ҳуш қурмасликнинг микдорий меъёрини аниқлаш мумкин. Танлашда индивидуал афзалликнинг асоси.

1. Шахсий фазилатнинг қайси бирини афзал эканлигини аниқланг.
2. Шахсий фазилатларнинг ҳар бирини нисбий салмогини аниқлаш.
3. Шахсий таърифлар гуруҳни белгилаш имконини беради.

Сабабий моҳиятни таъминлаш чоғида шахснинг эҳтиёжларидан қайси бирининг устун эканлиги ҳақида ҳулоса чиқарилади. Шерик танлашнинг сабабий моҳияти: гурух шаклланишининг дастлабки босқичида; мулжал шахснинг дилқашлигига, ташқаридан қараганда ёқимлилиги, қийимнинг ҳушбичимлилиги.

Субъект узига ва бошқа одамларга баҳо беришда мезон булиб хизмат қиладиган фикрлари ва баҳоларини узлаштириш учун индивид томонидан танланадиган одамлар муносабатининг референт доираси ёки референт гурух деб аталади. Индивид узини қуршаб турган дунёни факат уртоқларини, қадриятли мулжаллари (эътиқодлари, нуқтаи назарлари, уй фикрлари) орқали идрок этиш имкониятига эга булиб қолмасдан балки шу туфайли тевақат атрофга нисбатан уз муносабатини билиш узини яхшироқ тушуниб етиш ва баҳолаш имкониятига эга булади. Референтларнинг афзал қуриш фактини аниқлашда методик усул референтометрия қулланилади. Бу тезқор ва қулай булиб статусларнинг тузилиши (гуруҳда қимнинг қанақалиги) ҳақида ҳамжихатнинг борлиги ёки йуқлиги ҳақида маълумот берилади.

Пешқадамлар. Шахслараро муносабатлар умумий максадларга буйсинтирилган булиб бу жамоага ёрдам булади жипслашади ёки онтогенетик муносабатга қиришадиган пешқадамлар-синф жамоасини тарқоқ ҳолатга қелтириб қуяди. Педагог юқоридаги жараёнларни ҳолатларни тушуниб етса жамоани бирлаштира олади.

Таянч тушунчалар: гурух, кичик гурух, катта гурух, шартли гурух, расмий гурух, норасмий гурух, социометрия, референтометрия методи, референт гурух.

Назорат саволлари:

1. Гурухлар хакидаги тушунча?
2. Жамоа тушунчаси?
3. Социометрия ва референтометрия методи хакида тушунча?
4. Гурухлар муаммоси кимлар томонидан урганилган?

Хулоса.

Гурух аъзоларининг бир-бирини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёкарашлари, хаётий принциплари, кадриятларини яхши тасаввур килишлари уюшқокликнинг биринчи омилидир. Иккинчи ва асосий омил-бу уша гурухнинг бирлаштириб турган фаолият максадларини, унинг йуналиши ва мазмунини билишдаги гоаявий бирликдир. Умуман, экспериментал тадқиқотларда кайд этилган гурухга оид фикрлардаги умумий уюшқокликка ижобий замин хисобланади.

Гурухлардаги лидерлик ва умумий қарорларга келиш ҳам динамик жараёнларга қиради.

4.МАВЗУ: Оилаларда узаро муносабатларнинг ижтимоий психологик муаммолар.

МАВЗУНИНГ МАКСАДИ: Оилаларда узаро муносабатларнинг ижтимоий муаммоларини урганиш.

МЕТОДИК ТАЪМИНОТ: Қурғазмали қуроллар, саволномалар туплами.

АДАБИЁТЛАР:

1. Петровский А.В. «Социальная психология».
2. Андреева «Социальная психология».
3. Бугеев Л.П. «Социальная среда и сознание». Я-и, М-67.46-55 б.
4. Қаримов В. «Ижтимоий психология асослари». Т., 1994 «Уқитувчи».
1. Қаримова В. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт».
6. Ковалев С.В. «Психология современной семьи». Кн. для учителя. М., Посвещению 1998. 208 б.
7. Тураева О. «Оилавий муносабатлар психологияси». Т., 1990 й.

РЕЖА:

1. Оила давлатнинг бир булагии сифатида.
2. Оилавий муносабатларнинг турлари.
3. Оиланинг вазибалари.
4. Оилада ота-она ва фарзандларнинг узаро муносабатлари. Ота-оналарнинг установакалари.
5. Оиланинг тарбиявий имкониятлари.
6. Хулоса.
7. Мавзунинг баёни.

Кириш.

Оила ва никоҳ ҳамма вақт гуманитар фанларни кизиктириб келган соҳа. Айниқса, бу соҳанинг ижтимоий психология учун узига ҳослиги бор. Чунки, ижтимоий психология оилани узига ҳос ижтимоий гуруҳ сифатида текшириб, унда содир буладиган барча рухий жараёнларни урганеди. Республикамизда оила ва никоҳ масалаларига эътиборнинг катталигини ҳисобга олиб, купчилик тадқиқотчилар уз илмий изланишларини ана шу муаммога бағишлаганлар. /М.Мирҳосилов, Г.Б.Шоумаров, М.Расулов, С.Согинов, Махкамова ва бошқалар/. Оилага булган илмий кизикишнинг сабаблари аввало бу объектнинг «нақдлиги» булса, иккинчи томондан, охириги йилларда, хаттоки бизнинг республикамизда ҳам ажралишларнинг купайганлиги, тугилишнинг шаҳар ва кишлокларда бир текисда эмаслиги «муаммоли» оилаларнинг купайиб бораётганлиги, оила институтига ёшлар муносабатларининг узгариб бораётганлиги ва бошқалардир.

Оила-турмуш куриш, кариндош-уруғчилик орасидаги кичик гуруҳ. Унинг аъзолари ягона яшаш шароити, узаро ёрдам ва ахлокий жавобгарлик асосида бирлашади.

Оила ҳар бир аъзосининг шахсий бахт саодатини таъминлаши, давлатнинг жамиятнинг, ҳар томонлама етук, баркамол шахсни вояга етказиши омилларига, хусусиятларига эга булиши керак. Оила фаолиятининг максади жамиятга молик, социал молик булиш керак. Ижтимоий умуминсоний кадриятлар билан шахсий кадриятлар уйғунлаштирилади. Бу болаларни оилада баркамол шахс сифатида тарбиялаш самарадорлигини булган энг муҳим вазифасини амалга оширади. Ижтимоий психология оилани узига ҳос ижтимоий гуруҳ сифатида текшириб, унда содир буладиган барча рухий жараёнларни урганеди. Оилага булган илмий кизикиш ажралишлар, болаларнинг тугилишини, шаҳар ва кишлок нотекислиги, «муаммоли» оилаларни купайиб бораётганлиги оила институтларига ёшларни муносабатини узгариб бораётганлиги ва бошқа муаммолар.

Оила борасидаги узгаришлар:

1. Оиланинг жамият олдидидаги фаолиятини узгариб бориши;
2. Оила аъзоларининг сони ва тугилишнинг камайиши, мураккаб оилани типдан алоҳида мавжуд булган алоҳида оилалар типига айланиб бораётганлиги;
3. Оилавий муносабатлар тизимида эр ва хотин фаолиятларининг узгариб, оилавий роллар ҳақидаги ижтимоий тасаввурларнинг узгариб бораётганлиги;
4. Иқтисодий инкирозларнинг оила аъзолари уртасидаги муносабатларга таъсири;
5. Аёллардаги репродуктив установакаларнинг узгариб бораётганлиги кабилар урганилишнинг керак булган муаммолари.

Аёлларнинг ижтимоий меҳнатда бандлиги туфайли уларда, унда хотин кишининг урни, роли ҳақидаги тасаввурларнинг узгаришининг узи бутун психологияни қайта курилишига олиб келади.

Оила тор маиший тушунча эмас. У ижтимоий жамоада, бинобарин оила жамиятнинг бир булагидир. Уз навбатидан оилалар бирлашиб жамиятни ташкил қилади. Оилада ёш авлодни чуқур савияли мукамал шахс қилиб шакллантиришдек юксак ва маъсулиятли вазифа юклатилган. Дарҳақиқат инсон шахсини таркиб топтириш оиланинг илк психологик муҳитидан бошланади, хусусан боладан характер, ирода, одатлар, феъл-атвор, ҳулқ, теварак атрофга муносабат эътикод қарашлар, кизикишлар вужудга келади. Маълумки оила-бу ижтимоий-тарихий белгига эга булган муайян тузилишли социал гуруҳнинг курилишидир. Чунончи, унинг аъзоларини кариндош уруғчилик, никоҳ, турмуш шароити бирлиги одоб-ахлоқ умумийлиги маънавий эҳтиёжлар мослиги муайян

Йуналишнинг устиворлиги каби алоқалар узаро боғлаб туради. Оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, (бирламчи деб аталади) идеологик ва психологик муносабатларнинг узвий бирлашуви натижасида вужудга келади. Шу сабабдан турмушдаги ва оила аъзолари муносабатларидаги узгаришлар унинг моддий-маиший, ижтимоий негизи узгаришига бевосита боғлиқдир. Ибтидоий ҳолатлар тартибсиз яшаш ҳукм сурган даврларда оилалар кон-кариндош оила, пуналуал оила, жуфт оила моногам оила шакллари ривожланган. Бунда кон-кариндош оила-оиланинг биринчи босқичи бўлиб, у узида никоҳнинг куйидаги гуруҳларни бугинларга ажратади: оила чегарасидаги барча буви ва бувалар уларнинг фарзандлари, яъни ота-оналар бир-бирларига кариндош бўлганлиги, кейингиларнинг болалари учинчи бугунга тегишли биринчиларнинг эваралари туртинчи бугунга мансуб, эр-хотинларни ташкил қилгангина акс этиради.

Жуфт оила шаклида эркаклар ва аёллар жуфт жуфт бўлиб яшаганлар. Эркакнинг куп хотинлари бўлиб, уларнинг орасида «севиклиси» бош хотин ҳисобланган.

Моногам оилада тугилган боланинг отаси аниқ эканлиги моногам оиланинг мазмунини ташкил этади.

Оила ва никоҳ ҳамма вақт ҳам гуманитар фанларни кизиқтириб келган, айниқса, бу соҳанинг узига хос ижтимоий психологик томонлари мавжуд бўлиб, у оиланинг яхлит бир ижтимоий гуруҳ сифатида талқин қилиб, унда содир бўладиган барча рухий жараёнларни урганайди. Республикада оила ва никоҳ масалаларига эътибор юксаклигини ҳисобга олиб, купчилик тадқиқотчилар уз илмий изланишларни ана шу муаммоларга бағишлаганлар (М.Мирхосилов, Г.Б.Шоумаров, М.Расулова, Н.Согинов, О.Мусирмонова, Г.Хамидова, А.Минавварова ва бошқалар). Оилага нисбатан илмий кизиқишнинг сабаблари, энг кейинги йилларда, ҳатто республикада ажралишларнинг купайиши, тугилишининг кишлок ва шаҳарларда нотекслиги «муаммоли оилаларнинг купайиши», оила институтига ёшлар муносабатларининг узгараётганлиги ва ҳақоза. Халқимизда оила муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Бу ХТГА давлат даражасига кутарилиб, 1998 йил республикамизда «Оила йили» деб эълон қилиниши ҳам бу борада мавжуд муаммоларнинг аниқ ечимларини топиш ишини жадаллаштиради. Умуман олганда оила-никоҳ муносабатлари йил сайин узгариб бормокда. Бу борадаги узгаришларга.

1. оиланинг жамият олдидаги вазифаларнинг узгариб бориши.
2. оиланинг кичрайиши ва унда тугилишнинг камайиши, мураккаб куп авлодли таркибда кам авлодли оилаларга айланаётганлиги.
3. аёллардаги репродуктив установақаларнинг узгариши ва бошқалар.

Оиланинг вазифалари.

- Оиланинг иктисодий функцияси унинг асосий вазифаларидан биридир.
- Оиланинг репродуктив (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) вазифасининг асосий моҳияти инсон наслини давом эттиришдан иборатдир.
- Оиланинг комуникатив вазифаси, оила аъзоларининг узаро мулоқат ва узаро тушунишга бўлган эҳтиёжини кондиришга хизмат қилади.
- Оиланинг рктеатив вазифаси узаро жисмоний, моддий-маънавий ва психологик ёрдам курсатиш.
- Оиланинг фелицитологик вазифаси (итальянча «фелиците»-бахт). Шахсий фаравонликка эришишга интилиш муносабатлар тизимида куп жихатдан хали омил бўлиб бормокда.

- Оиланинг регулятив вазифаси оила аъзолари уртасидаги узаро муносабатларни бошқариш тизимини шунингдек, бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устунлик ва обруй амалга оширишни ифодалайди.
- Оиланинг релаксация вазифаси-оила аъзоларининг жинсий, эмоционал фаолиятини, рухий-жисмоний кувватини, меҳнат қобилиятини яна қайта тиклаш демакдир.

Оила аъзоларининг узаро муомилаларини тадқиқ қилган венгер социология М.Комошли 10-14 ёшдаги мактаб ўқувчиларнинг ўқишга ва меҳнатга бўлган муносабатига бевосита таъсир қилувчи оила муҳити омилларини 4 та гуруҳга ажратади:

1. Ота-оналарнинг жамоатчилик фаолияти (уларнинг мафқуравий қарашлари ва ишга нисбатан муносабати)
2. Оила ичидаги муносабатлар (ота-она муносабати, буви ва бувага муносабатлари, ака-укалар ва опа-сингилларининг узаро муносабатлари).
3. Ота-оналарнинг тарбиявий педагогик фаолияти (уларнинг тарбиявий муаммолари, қизиқишлари, мактаб билан ҳамкорликлари, ўқувчилар дарс тайёрлашда ота-оналарнинг ёрдами, уларнинг тарбиявий аҳамияти).
4. Оилада ўқувчининг фаолияти (ўқувчининг қундалиқ тартиб ҳужалиқ ишларидаги муайян мажбуриятлар ва бошқалар).

Шахслараро муносабатларнинг бир неча қуринишлари мавжуд.

А) Оила бошлиғи ҳисобланган ота-оналарнинг асосий диккат эътибори ахлоқ нормалари талабларидан келиб чиққан ҳолда фарзандларида ижобий характер хислатлари шакллантириш қиритилган.

Б) Оила муносабатларининг яна бир тури «аторитар» деб аталиб бунда ота-онанинг обриси ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шахслараро тенг ҳуқуқлик эркин хатти-харакат қилиш ташаббусқорлик ўз аҳамиятини йўқота бошлайди. Ота-она томонидан тарбиявий таъсир ўтқизишнинг асосий методи-жазолаш ҳисобланади. Бирок онда сонда рағбатлантириш методларидан фойдаланганда ҳам у болага маънавий озуқа бермайди.

В) Оиладаги муносабатларининг яна бир тури «аторитар» деб аталиб ундан ота-онанинг обриси ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шахслараро тенг ҳуқуқлик эркин хатти харакат қилиш ташаббусқорлик ўз аҳамиятини бошлайди. Ота-она томонидан тарбиявий таъсир ўтқизишнинг асосий методи-жазолаш ҳисобланади. Бирок онда сонда рағбатлантириш методларидан фойдаланилганда ҳам у болага маънавий озуқа бермайди.

Г) Оиладаги муносабатларнинг аралаш ёки қоринишма тойифасида оила аъзолари уртасида буладиган муносабатлари ақсарият ҳолларда угит насиҳат ахлоқий суҳбат йул-йуриқ қурсатиш билан боғланиб кетади. Бундай ота-онанинг фарзандлари билан мулоқати эрдан ва ботиниб фикир юритишдан ўзққ бўлганлиғи сабабли юмор ҳиссиға бэфарқлик, ўз-ўзини қулға олмаслик, маъсулиятсизлик зуриқиш ҳолатини ҳис қилмаслик синғари характер ҳисларини тарқиб топтиради.

Д) Оиладаги муносабатлар аноморал муносабатлар бўлиб, бундай тойифа ажралиш даражасиға етиб борган бола оилавий низо манбаи деб тушунувчи «бола» баҳонаси туфайли қил устида турган ичувчи алқоғоль ёки гиёхвандлар қиради.

Е) Оиладаги турмуш муносабат ичида «либерал» тойифа ҳам бўлиб оила даврасида мурасосоз қунғилчан бўлишлиқ ташқи қуринишдан илиқ психолоғик иқлимни қурухий мосликни ўзида ақс этиргандек бўлиб туюлади, мурасосозлик таъсирида ёки авлод характерида муноғиклик юзламачилиқ қелишувчилиқ тарқиб топиши мумқин. Тенг ҳуқуқли оила аъзолари узаро ва итиғоқ бўлиб турмуш қечиришлари ўчун қексалар руҳияти эр-хотин руҳияти ва маънавиятидан турли ёшдаги угил-қизларнинг рухий ҳусусиятларидан муайян қуламда билимға эға бўлиши шарт.

Ватанимиз психологлари ва социологларини текширишларига караганда, оилавий тарбия камчиликлари турли туман эканлиги далиллаб курсатилган, уларни келтириб чикувчи сабаблар ҳамда илдизлар очилиб берилган.

1. болаларга катталар томонидан диккат эътиборнинг етишмаслиги.
2. фарзандлар билан мулокатга киришиш истагининг мавжуд эмаслиги ёки хохишининг йуклиги.
3. ота-оналар билан фарзандлар уртасида узаро тушунишнинг йуклиги ва унга икки томонлама интилишнинг етишмаслиги.
4. ота-оналарнинг угил ва кизларига нисбатан купол муомалада булишлари.
5. кур-курона оталик ва оналик мехр мухаббатнинг хукм суришлилиги ва унинг баркарор ахамият касб этмаслиги.
6. оила даврасида мухитида доимий жанжалларнинг карор топганлиги ва уларни камайтириш учун интилишнинг йуклиги.
7. ота-оналарнинг бекарор хис-туйгулари, кайфиятлари уларнинг тартибсиз тасодифий характерга эга булишлиги.
8. ота-оналарнинг шахсий кизикишларининг узаро мос тушмаслиги ва тубдан бир-бирига карама-каршилиги.
9. ота-оналарнинг билим савиялари ва маданий даражаларининг паст эканлиги ва хоказолар.

Алломаларимиз таъкидлаганларидек инсонни тарбиялашлардаги энг асосидаги йул эътикодлар, ишонтариш йули билангина таъсир этиш мумкин.

Таянч тушунчалар: оила, оилавий турмуш муносабатлари аномарал, аралаш, либерал.

Назорат саволлар:

1. Оила деганда нимани тушунаси?
2. Оиланинг вазифаси нимадан иборат?
3. Шахслараро муносабатларнинг кандай куринишлари мавжуд?
4. Оила тарбиясидан ота-она уртасидаги бирлик, умумийлик мавжудлиги?

Хулоса.

Оилавий муносабатлар сохасидаги алохида тадбикий тармок бу ёшларни оилавий хаётга тайёрлашдир. Бу иш бизнинг улкамизда ҳам алохида ахамиятга эга булиб, янгилик билан эскилик карама-карши келаётган шароитда, айникса мухимдир. Усмирлик ва успиринлик йилларда шаклланадиган аттракция ходисаси, яъни шахсларнинг бир-бирига эмоционал богланишлари-дустлик, севги хисларини тарбиялаш, ана шундай тарбияга шарт-шароитлар яратиш бизнинг Урта Осиё шароитларимизда янги ва келажаги порлок сохалардан биридир. Шу ишларни амалга оширишда мактаб психологиялари, педагоглар ижтимоий психологлар хамкорликда ишласалар, олинган хулоса ва натижаларни хаётга тадбик этса булади.

5-МАВЗУ: ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ШАХСНИ РИВОЖЛАНИШ МУАММОСИ.

II. МАКСАД. Шахслараро муносабатлар тизимида шахсни ривожлантириш муаммоларини урганиш.

III-МЕТОД ТАЪМИНОТ. Кургазмали куроллар, саволномалар туплами.

АДАБИЁТЛАР.

1. Гозман Л.Я. «Психология эмоннональных отношений». – М.: Изд.-во МГУ 1987 г.-17 б стр.
2. Андреева «Социология психология».
3. Буюева Л.Т. «Социология среда и сознание я-и» М. 67-46-55 стр.
4. Каримова В. «Ижтимоий психология асослари». Т-1994 й. «Укитувчи».
5. Каримова В. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт».

IV. РЕЖА .

1. Ижтимоий психологияда шахс муаммоси.
2. Ижтимоий психологияда шахслараро муносабатлар ва шахс.
3. Шахснинг ижтимоийлашуви.
4. Шахслараро муносабатлар ва ижтимоий установкалар.
5. Хулоса.
6. Мавзунинг баёни.

К И Р И Ш .

Мулокат жараёнининг ҳам, гурухий жараёнларининг ҳам эгаси-субъекти ҳамда объекти аслида алохида шахс, конкрет оламдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий психология алохида шахс муаммосини ҳам урганадики, уни уша турли ижтимоий жараёнларнинг иштирокчиси ва фаол амалга оширувчиси деган нуктаи назардан текширади. Маълумки, шахс муаммоси умумий психологияда ҳам ёш психологияси ва педагогик психологияда ҳам, дифференциал, хукукий психология ва психологиянинг катор махсус булимларидан ҳам урганилади.

ШАХС – бу ижтимоий муносабатларга кирувчи онгли фаол, юритувчи, фаол фаолият билан шугулланувчи бетакрор одам. Шахслараро муносабатларда мулокат жараёнини эгаси ҳам, объекти ҳам субъекти конкрет одам хисобланади.

Ижтимоий психология шахснинг хулк атворини кандай конуниятларига буйсунишини, мулокат системасида олган таъмирини унинг олдида кандай акс топишини урганади. Ижтимоий установка объектга ва конкрет вазиятга боғлиқ.

ЭТНИК СТЕРЕОЦИТЛАР – айни вазиятларда шаклланган образлар узок муддатли хотирада сакланиб у ёки бу вазиятларда оқтуаллашади, жонланади.

СОЦИАЛИЗАЦИЯ – бу индивиднинг ижтимоий мухитга кушилиши, ижтимоий таъсирларни узига сингдириш ва актив равишда мулокат системасига кириб бориши жараёнидир.

I-боскич: Бола тугилгандан меҳнат фаолиятини бошлагунча булган даврни уз ичига олади.

II-боскич: Меҳнат фаолияти даври (инсоннинг етуклик даври).

III-боскич: Меҳнат фаолиятдан кейинги, қариллик даври.

Ижтимоий психология шахс хулқ атворининг мативлари сифатида ижтимоий установақаларини урганеди. Ижтимоий установақ шахс хулқ атворининг ички анқланилмаган ёки қисман анқланган мативларга қиради. Шақлланган ижтимоий установақанинг хаёт мобайнида узқариши мумқинлиги муҳим ижтимоий психологик ахамиятга эгадир. Америкалик олим Холланд фикрича, ижтимоий установақ урганиш, йули билан узқариши мумқин. Яъни укувчилардаги турли равишда уз установақаларини узқартириши шартдир. Акс холда номуаносиблик принципага қура шахслараро низо ёки қелишмовчилик пайдо булиши муқаррардир.

Ижтимоий психология аввало бирор гуруҳнинг аъзоси ҳисобланган шахс хулқ-атвори қандай қонуниятларга буйсунишини, шахснинг мулоқатлар системасидан олган таъсирларини талқин қилиб беради ва унинг онгида қандай акс этишини урганиб, бу қаби муаммоларни ечишда ёрдам беради.

Мулоқат жараёнининг ҳам, гуруҳий жараёнларнинг ҳам эгаси-субъекти ҳамда аслида алоҳида шахс, қонкрет одамдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий психология алоҳида шахс муоммасини ҳам урганеди ва уни уша турли ижтимоий жараёнларнинг иштирокчиси ва фаол амалга оширувчиси деган нуқтаи назардан текширади.

Шахс муоммасага ижтимоий-психологик ёндашишнинг узига ҳослиги шундаки, у турли гуруҳлар билан буладиган турли шақлдаги узаро муносабатларнинг оқибати сифатида қаралади. Ижтимоий психология аввало бирор гуруҳнинг аъзоси ҳисобланган шахс хулқ-атвори қандай қонуниятларга буйсинишини, унинг мулоқатга таъсири онгида қандай акс топишини урганеди. Шахс хулқ-атворини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидан биридир.

Шахсга ижтимоий-психологик ёндашиш, уни маълум гуруҳларнинг аъзоси, қонкрет шароитда узига уқшаш шахслар билан мулоқатга қиришувчи қонкрет одам деб тушунишдир.

Шахс социализацияси-«шахс таракқиёти» ёки тарбияси тушунчалари билан синоним.

Социализация-бу индивиднинг ижтимоий муҳитга қушилиши, ижтимоий таъсирларни узига синқдиришни ва актив равишда мулоқат системасага қириб бориш жараёнидир. Бу жараён икки томонлама булиб: бир томондан шахс актив равишда қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни хаётда уз хулқ-атворлари, муносабатларида намоён этади. Бу жараён нормал индивидда таббий тарзда руй беради, қунки индивид шахс булишга эҳтиёж ҳамда шахс булишида имқоният ва зарурият бордир. Шунинг учун ҳам бола тугилиб, ижтимоий муҳитга қушилган ондан бошлаб, ундаги шахс булишга интилишни, ундаги шақлланиш жараёнини қузатиш мумқин. Шахснинг шақлланиши асосан уч соҳада амалга оширилади.

Фаолият соҳаси, яъни умри мобайнида шахс турли фаолиятларга бевосита ёки билвосита жалб этилган булиб, бу жараёнда фаолият қенгайиб, бойиб бораверади.

1. Мулоқат соҳаси, айниқса мактабгача ёш давридаги ва усмирлик даврларидаги мулоқат системалари болада бир қанча ижтимоий психологик ҳислатларни пайдо қиладики, бунинг натижасида у фаол хаётий мавқега эга булади, жамиятда уз урнини тасаввур қилишга эришади.
2. Уз-узини анқлаш соҳаси, яъни «мен»лигини бошқалардан ажрата олиш, узига мустақил ҳаракат қилиш. Мустақил фикр юрита олиш қобилятини анқлаш, сунгра эса, уз-узини бақолаш, анқлаш, назорат қилиш ҳусусиятлари ривожланадики, улар ҳам фаол шахс психологиясининг тарқибий қисми ҳисобланади.

Умумий психологияда ва психологиянинг бошқа тармоқларида утқазилган илмий изланишлар натижасида асосан қандай шахсни «ижобий» деб аташ мумқин деган саволга

кисман жавоб топилган. Масалан А.В.Петровский ана шундай сифатларнинг бир ярим мингга яқинини аниқлаган, лекин уша сифатларнинг шаклланишига замин буладиган гурухлар хақида шу пайтгача фанда аниқ маълумотлар йук.

Ижтимоий психологияда ана шу масала кичик гурухлар доирасида кисман хал килинган холос. А.В.Петровский шахснинг гурухга кириб кетиш омилини урганган. Я.Л.Коломинский эса хар бир гурухнинг «уз киёфаси» булиб, у шахс тараккиётига таъсир курсатади деган гоъни илгари суради. В.С.Мерлин хам хар бир жамоадаги шахслараро муносабатлар шу гурух аъзоларида айрим, шу гурухгагина хос булган фазилатларни тарбиялайди деб ёзган эди. Шунинг учун хам хозирги кунда шахсни тушуниш учун унинг реал гурухларини урганиш, у ердаги устун мулокат типларини аниқлаш ва анализ килиш, гурух аъзолари учун кимлар хақикий обруга эга эканлигини билиш мухимдир, деган нуқтаи-назар асосида катор тадқиқот ишлари амалга оширилмокда. Шахсни бахоланинг асосий мезонларидан бири унинг жамоа ишига кушилган улушидир, лекин бу улушни унинг уз меҳнат жамоасидаги урни, амали ёки умуман килган ишлари билан бахолаб булмайдди. Чунки унинг хақикий улуши кандайлигини уша жамоадаги ишининг самарадорлигига кушган хиссасидангина келтириб чиқариш лозим. Шу нарса диққатга сазоворки гурух аъзолари хар бир шахсни уша улушига караб бахолайдилар ва унга маълум муносабатда буладилар. Ана уша бахолаш меъри хар бир жамоада узгача булиб уша гурухда шаклланган нормалар тизимини хосил килади. Жамоа ёки гурух томонидан берилган бахолар шахс учун ахамиятли булиб, у «мен» образи оркали узида керакли фазилатларни ривожлантиришдан манфатдордир.

Демак шахснинг узи хақидаги бахоси гурухнинг у хақидаги ва бошка шахслар хақидаги бахоларга бевосита боглик булиб, у гурух билан жанжаллашиб колмаслик, зиддиятли вазиятларга тушиб колмаслик учун жамоатчилик бахосини кадрлайди. Гурух фикрини кадрлаш турли типли гурухларда турлича булади. Масалан, эндигина шаклланган гурух ёки жамоага аъзо булиб келган одам учун унинг бахоси унчалик ахамиятли эмас, лекин бу гурух жамоа даражасигача юкланган шахслараро муносабатларнинг маълум тузими шаклланган гурух уюшчок булса, бундай гурухнинг бахоси билан хар бир шахс хисоблашади ва уни кадрлайди. Хар бир гурухда аъзоларни бирлаштириб турган умумий фаолият максадларини хар бир шахс онгига тугри етказиш ва узаро муносабатлар тизимини яхшилаб, хар бир шахснинг бир-бирларини яхши билишлари ва бир-бирларини тугри бахолашларига алоҳида эътиборни каратиш лозим. Бу нарса шахсда шаклланажак ижобий сифатларнинг асосидир. Шахс социализацияси бола тугилганидан бошланса, 1-боскич меҳнат фаолиятигача булган боскич булиб, унга боланинг мактабгача ёш даври ва укиш йиллари киради. Бу даврдаги социализациянинг ахамияти ва узига хослиги шундаки бу даврда асосан ташки ижтимоий мухит ижтимоий таъсирлар фаол равишда онгга сингдирилади, мустикал хаётга тайёргарлик борасида мухим боскич утилади. 2-боскич меҳнат фаолияти даври бу давр одамнинг етуклик йиллари билан боглик булиб аввалги даврларда сингдирилган ижтимоий таъсирларни бевосита фаол фаолиятда шахслараро муносабатлар системасида намоён этади. Касбга эга булиб аниқ хаёт йулини танлаган, турмуш куриб келгуси авлодни тарбиялаётган шахсда намоён буладиган барча ижтимоий фазилатлар шу даврнинг махсулидир.

3-боскич меҳнат фаолиятидан кейинги давр булиб бунга асосан фаол меҳнат фаолиятидан, сунг қарилик гаштини сураётганлар киради. Ортирилган тажриба бошкаларга узатилади. Шахс тузилишида хам хусусий узгаришлар юз беради. Социализация жараёни руй берадиган шароити муассасалар – оила болалар муассасалари, мактаб, укув даргохлари, меҳнат жамоалари. Ижтимоий мухитнинг таъсири хулк атворда бевосита намоён булади. У ёки бу хулк атворнинг сабаби унинг мотивидир.

Ижтимоий установка шахс хулк атворининг ички англамаган ёки кисман англаган мотивларга киради. Масалан, бир кишига бадий адабиётдан айнан бир гурух асарлар ёкади. Ижтимоий установка шахсдаги англамаган муносабатларга ухшайди.

Ижтимоий установка тушунчасида муносабатлар ҳам шахсий маъно, баҳолар системаси ҳам, билимлар ҳам уз ифодасини топади.

Ижтимоий установка объектга ҳамда конкрет вазиятга боғлиқдир. Этник стереотиплар-айни вазиятларда шаклланган образлари узок муддатли хотирада сакланиб у ёки бу вазиятларда актуаллашади жонланади. Ижтимоий установка муаммоси гарбда айникса АКШ да хар тарафлама чукур урганилган муаммолардан хисобланади. Америкалик олимлар унинг шахснинг аввалги хаётий тажрибасига ундаги ижтимоий таъсавурларга боғликлигини урганиб шахс хулк атворини турли шароитларда бошқарувчи механизм эканлигини исбот килдилар (У.Томмас, Ф.Знанетский, Г.Олпарт, Лаппер ва бошқалар) ижтимоий установкакани бир суз билан-«аттитюд» сузи билан ифодалайдилар. 1942 йил М.Смит аттитюднинг 3 компонентлик структураси ишлаб чикилган.

Ижтимоий установкакарга хос булган умумий қонуниятлардан яна бири узок муддатли хотира билан боғлиқлигидир. Айнаи вазиятларда шаклланган образлар узок муддатли хотирада сакланиб у ёки бу вазиятда актуаллашади. Шаклланган ижтимоий установкаканинг хаёт мобайнида узгариш мумкинлиги мухим ижтимоий психологик ахамиятга эгадир. Америкалик олим Ховланд фикрича, ижтимоий установка ургатиш йули билан узгариш мумкин яъни укувчилардаги турли установкакарни узгартириш учун рағбатлантириш лозим. Икки шахс ёки шахс билан гурухнинг установкакари мос келмай қолган шароитда эса томонлардан бири онгли равишда уз установкакарини узгартириши шартдир. Акс холда номуносивлик принципига кура шахслараро низо ёки келишмовчилик пайдо булиши муқарардир. Шахс социализация жараёнида турли установкакарини руёбга чиқариш шароитида фаоллик курсатади. Хар бир шахсда узига хос тарзда дунёни, одамларни идрок қилиш ва тушуниш қобилияти борки, улар мулоқат жараёнида қамрок хатоларга йул қуйишини таъминлайди. Масалан, босиклик. Мулоқазалилик узгаларнинг ички дунёсини гаплари, хатти-харакатларига қараб билиш қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу фазилатларни қанчалик намоён эта олишга қараб шахс типлари фарқланади.

1. Экстроверт ёки интроверт типлар. Бу типлар мулоқатга қириша олиш «саънатига» кура фарқланадилар.

2. Мойил ёки риглд тип. Бу шахс типлари мулоқатга қиришиш мезонига кура фарқланади.

3. Доминант ва тобе тип.

Таянч тушунчалар: шахс ижтимоийлашуви. Социализация, ижтимоий установка, шахс ривожланиши, экстроверт ва интроверт тип, риглд тип, доминант тип, тобе тип.

Назорат саволлари:

1. Ижтимоий муносабатда шахс тушунчаси ва шахс муаммоси.
2. Шахснинг ижтимоийлашуви хақида тушунча.
3. Ижтимоий установка нима?

6-МАВЗУ: ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА «УКИТУВЧИ-УКУВЧИ» «УКУВЧИ-УКИТУВЧИ» МУНОСАБАТЛАРИ.

МАКСАД: Шахслараро муносабатлари тизимида «укитувчи-укувчи» «укувчи-укитувчи» муносабатларини психологик асосларини урганиш.

МЕТОДИК ТАЪМИНОТ. Кургазмали куроллар, саволномалар туплами.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Петровякий А.В. «Социальная психология».
2. Андреева «Социальная психология».
3. Андреева Г.М. «Актуальные проблемы социальной психологии ».
4. Каримова В. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт».
5. Бодалев А.А. «Восприятие и понимание человека человеком»-М., 1982.
6. Аникеева Н.П. «Жамоода рухий мухит» 159-206 бетлар.

Р Е Ж А.

1. Болалар гурухнинг шаклланишидаги шахслараро муносабатларнинг ижтимоий тарихий табиати.
2. Укувчиларни уйин оркали мулокатга ургатиш усуллари.
3. Болалар ва усмирлар жамоасининг шаклланишида педагог шахсининг роли.

Тарбиячи, укитувчи, бошлик учун турли гурухларда шахслараро муносабатларнинг ижобий кечишига гурухнинг хар бир аъзосида жавобгарлик хиссини шакллантириш кийинчилик тугдиради, чунки уша гурухларни ташкил этган хар бир шахснинг узига хос индивидуаллиги, бошкарувчи хакидаги улар тасаввурининг хар хиллиги ва гурухларда норасмий лидерларнинг борлиги бошликдан одамлар билан ишлаш борасида хам тажрибанинг, хам психологик фахм-фаросатнинг ва сабр-токатнинг булишини талаб килади. Шунинг учун хам кундалик хаётимизда , хам илмий адабиётларда тез-тез ёнма-ён ишлатиладиган «лидер» ва «бошлик» тушунчаларининг психологик мазмунларини анализ килиб чикиш мақсадга мувофикдир.

Бола гурухининг шаклланишида шахслараро муносабатларнинг ижтимоий тарихий табиати шундаки хар бир конкрет гурухлардаги шахслараро муносабатлар жамият ривожига вазият шарт-шароитлар билан узаро боглик булиб, у турли ёш даврларда узига хос равишда кечади кайтарилмайди. Шахслараро муносабатларнинг узига хос хусусиятлари, гурухдаги шахслараро муносабатларнинг табиати:

1. Жамиятнинг ривожланиш боскичлари билан шартлангандир.
2. Биргаликдаги умумий фаолият билан боглик булиб, бу хар кандай тарихий боскичда гурухлардаги шахслараро муносабатларни асоси хисобланади. Уларни тузилишини белгилайди.
3. Гурухлардаги шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари унинг ривожланиш даражасига, табиатига, ижтимоий психологик хусусиятларига ва индивидларга таъсир этиш даражасига боглик.

Актив биргаликдаги фаолият ва узаро мулоқот жараёнида шахснинг ижтимоий психологик фазилатлари шаклланади. Шунинг учун оилада боғча, мактаб, меҳнат жамоаларида бунга эътибор берилиши лозим. (Талабалар учун 5-дақиқали ақлий ҳужум методи асосида психологик фазилатлар ва уларни шакллантиришда «Ким жавобгар» саволи асосида мунозара утказиш).

Шахслараро муносабатлар боланинг, унинг шахсга айланиб ва мукамаллашиб боришига бевосита таъсир этади. Катта ёшдаги кишилар билан узаро муносабатларга жалб этилган бола даставвал улар фаоллиги, объекти тарзида лекин унга катта ёшдагилар унинг ривожланишидаги етакчи омил сифатида тавсия қиладиган уша фаолият таркибини узаро муносабатларнинг субъекти, яъни иштирокчисига айланади.

Бола гуруҳининг шаклланишида шахслараро муносабатларнинг ижтимоий-тарихий табиати шундаки, ҳар бир конкрет гуруҳдаги шахслараро муносабатлар жамоа ривожидagi вазият шарт-шароитлар билан узаро боғлиқ булиб, у турли ёш даврларда узига хос равишда кечади ва қайтарилмайди. Ҳар қандай жамоани шакллантиришда жамоа аъзоларининг руҳий маданиятини шакллантириш катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда укучиларга уларнинг инсоний мулоқат, инсон шахси, бир-бирини баҳолаш хусусиятлари тугрисидаги мулоҳазаларни рағбатлантирувчи ахборотни бериш зарур. Руҳий маданиятга ургатишни усмирлик ёшидан бошлаш керак, чунки уз шахси ҳақидаги ахборотга катъий эҳтиёж худди шу даврда вужудга келади. Усмирликда узининг «Мен» ни хусусида зиддиятли кечинмалар бошланади. Илк ёшлик пайтида уз руҳий ҳолати ҳақидаги ҳаёл суриш кучайган, мулоқат жуда аҳамиятли ва гоят танлаб утказиладиган ёшда инсон шахси ва шахслараро мулоқат тугрисидаги ахборот ҳам зарурдир.

Болалар ва усмирларнинг ижтимоий эҳтиёжларидан бири-бу мулоқатга булган эҳтиёждир. Фаол биргаликдаги фаолият ва узаро мулоқат жараёнида шахснинг ижтимоий психологик фазилатлари шаклланади. Мулоқат одамларнинг биргаликдаги фаолиятлари эҳтиёждан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида узаро муносабатларга киришиш жараёнидир. Т.Шибутани: Агар одам озгина булса, ҳам узини англаса, демак у, узига курсатма бера олади. Бошқалар билан мулоқатнинг меъёрини ва характерини белгилайди.

Т.М.Андреева: «Мулоқатнинг тузилиши ҳақида»;

1. Мулоқатнинг коммуникатив томони билимлар, маълумотлар, алмашинувидир.
2. Мулоқатнинг интерактив томони ҳамкорлик уз хатти-харакатларни бошқаларга мослаштириш.
3. Мулоқатнинг перцептив томони, мулоқатга киришувчи томонларнинг бир-бири индивидуал сифат ва хусусиятларини идрок этишлари ва тушунишлари билан боғлиқ булган мураккаб психологик жараён.

Болалар ва усмирлар мулоқати концепцияси ижтимоий психология фанининг асосий муоммоларидан бири ҳисобланади. Болалар ва усмирларнинг ахборот айирбошлалари, биргаликда фаолият қилишлари; уйин, меҳнат, таълим олиш натижасида уларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг вужудга келишига туртки булади. Узок вақт давомида педагогикада асосан жамоанинг расмий тузилишига эътибор берилар эди. Ҳозирги пайтда укучиларнинг ҳулк-атворида расмий тузилишларнинг муҳим таъсир курсатиши аниқланди. Мана шундай узидан узи вужудга келадиган болалар гуруҳлари бир неча боланинг анча мустаҳкам бирлашуви булиб, улар биргаликдаги фаолият ва мулоқатга умумий аҳамиятли булган йул-йуриқлар, манфаатлар ва кадриятлар асосидаги бевосита нисбатан доимий ва фаол узаро алоқалар натижасида вужудга келади. Ҳар қандай болалар жамоасида фаолият ва мулоқат жараёнида гоят турли асосларда 2-3-5 кишидан иборат кичик гуруҳлар таркиб топади. Бу қарашларнинг ухшашлиги, бир-бирини ёктириш, умумий манфаатлар, синфдаги бир хил мавқе, бир-бирига яқин туриш ва хоқазолар булиши мумкин. Айнан шу гуруҳларда бола уни қаноатлантирадиган мавқени топиш

мумкин, гурухлар оркали у шахси шаклланиши учун жуда мухим булган мулокат тажрибасини эгаллайди.

Хар бир шахснинг узига хослиги (асаб системаси типининг хусусиятлари, характери, шахсий тажрибаси, манфаатлари ва эхтиёжларининг ривожланиш даражаси) болалар мулокатининг узига хослигини белгилаб беради. Баъзи уқитувчилар энг харакатчан, жонли тенгдошлари билан мулокатни излайдилар, бошкаларни мумин сусткаш болалар жалб этади. Баъзилар кучли ва катъий болалар ёнида узларини дадил хис этадилар, бошкаларни эса аксинча, заиф тортинчок болалар билан дустлашишни афзал билиб, уларга мойиллик килишдан коникиш хосил киладилар.

Уқитувчи-уқувчи муносабатлари шакллантиришда ёш даврлари хусусиятларини эътиборга олиш жуда мухим. Масалан катта усмирлар ва юкори синф уқувчиларида уз шахси хакидаги ахборотга кизикиш эхтиёжи юкори булганлигини эътиборга олиб «рухий» уйинлар ташкил этиш мақсадга мувофик булади. Болалар билан уйин шартлари келишиб олинади. Бир-бирига хайрихохлик узаро ишонч топширикларини тугри бажариш вақтида бошкаларнинг шахсидаги камчиликларини кидирмаслик, балки фаолияти ва мулокат усулларини бахолаш. Катнашчилар уйиндан коникиш хосил килиш даражаси хакидаги тасаввурлари борасида фикр алмашиш «Интервью» кичик гурухларга булиниб бир-биридан интервью оладилар, саволлар куйидагича:

- Сиз кандай шеърларни яхши қурасиз?
- Сизнинг севимли рангингиз?
- Сизнинг севимли хикматингиз?
- Ёқтирган фильмларингиз хакида айтиб беринг
- Сизнинг севган машгулотингиз?
- Сиз одамлардаги энг куп кайси хислатни кадрлайсиз?
- Сиз нимадан куркасиз?

Хар бир уқувчига 5-7 тадан савол бериш мумкин. Уқувчилар бир-бирларини уйин давомидаги фаолияти ва мулокат усулларини ижобий ютукларини ва камчиликларини урганишга харакат килади. Руй-рост гапириш, қисман фикрларини яшириш ёки умуман «никобда» булиш каби жихатлар урганилади ва уларда учрайдиган рухий тусикларни олиб ташлашга ургатилади.

Жамоани бошқариш вазиятларини ташкил этиш педагог томонидан синфда жамоа фаолиятини танлаш ва ташкил этишдан бошланади. Синфдаги узаро муносабатларнинг норасмий системасини билмай туриб педагог жамоа ривожланишининг бошқара олмайди. Синф жамоасининг рухий мухитини тахлил килаётганда:

- Гурухлар уртасидаги узаро муносабатлар кандайлигини;
- Синфда педагог талабларга карши кайфиятдаги гурухлар бор ёки йуклигини;
- Расмий амал килаётган фаоллар аъзолари кимлар эканлигини;
- Сайлаб куйиладиган фаоллар реал фаоллар деб хисоблашиши ёки хисобланмаслиги.

Хар бир боланинг жамоадаги мавкеи кандайлигини билиш зарур. Уқитувчининг психотерапевтик вазифаси икки сохасида «уқитувчи-уқувчи» ва «жамоа-уқувчи» уртасида руёбга чикарилади. Биринчи сохада уқитувчи бола билан бевосита мулокатга киришиб, унинг хиссий бехбудлигини таъминлайди, иккинчиси эса-уқитувчи уқувчиларнинг узаро муносабатларини тартибга солиб, болага бевосита таъсир курсатади.

Уқитувчининг бу икки сохадаги имкониятларини куриб чикамиз.

Уқитувчи бахолаш вазифасини бажарганлиги сабабли унинг нуктаи назари уқувчилар учун эмоционал ахамиятга эга. Уқитувчи бола шахси хакида ота-онага, бошка катта одамларга, тенгдошларига кандай бахо бериши боланинг бу сохалардаги хиссий бехбудлигига боглик булади. Ташвишли булмаган болаларда хавотирликнинг энг юкори даражаси (В.Р.Кисловская маълумотларига караганда) уқитувчига нисбатан булиши (ота-

оналар ва бошка катта одамларга нисбатан киёслаганда) бежиз эмас: куйи синф укувчиларида – 35%, усмирларда – 25%, хавотирли болаларда тегишли равишда 50 ва 45%.

Куйи синф укувчилари уkitувчи билдирадиган фикрга айникса сезгир буладилар. Укувчи мавкеини улар учун янгилиги ва катта ахамиятга эга эканлиги сабабли уkitувчи улар учун барча тан оладиган обрули киши хисобланади. Психологлар бола мактабга келгунига кадар хам уkitувчи фикрига ички йуналиш мавжудлигини таъкидлайдилар. Куйи синф укувчиларида уkitувчининг йул-йурикларини бажаришга ички тайёргарлик яккол куришиб туради.

Тажрибали педагоглар болаларда уkitувчи билан бевосита алокада булиш эхтиёжи мавжудлигини кайд этадилар. Агар бола дарслар орасида уни хаяжонга соладиган янгиликларни уkitувчига гапириб бера олмаса, у дарсдан кейин бироз колиб хар калай мушук нечта болалаганини, ховлида кандай янги уйин уйлаб топишганини, тугилган кунига нима совга килишганини айтишга харакат килади. Кузатишлар шундан далолат берадики, бошлангич синфларнинг уkitувчилари одатда болаларнинг мустахкам куршовида булишади. Махсус тадкикотларнинг курсатишича болаларнинг кечинмалари уларнинг кайфияти, педагогларнинг болаларнинг хамжихатлигининг хусусиятларига, педагогик рахбарликнинг услубига, яъни уkitувчилар фаолият ва мулокат жараёнида кандай воситалар, усуллардан фойдаланишга бевосита богликдир.

Авторитар услубда мулокат киладиган уkitувчи умуман синф билан эмас, балки факат уз хусусиятлари ва андозаларидан келиб чикиб ва боланинг узига хослигини хисобга олмай, укувчи билан бирга бир иш олиб боради; У бола шахсини бахолашни факат функционал-амалий ёндашув асосида белгилайди ва бу бахо уkitувчининг кайфиятига ва шу лахзадаги бола фаолиятининг бевосита натижасига асосланади. Агар демократик усулда рахбарлик киладиган педагог болага нисбатан аввалдан белгиланган салбий фикрга эга булмаса, авторитар услубда рахбарлик киладиган уkitувчи учун бу типик ходиса булиб, бир колибдаги ечимлар ва хулк-атвор андозалари тупламаида намоён булади. Н.Ф.Маслованинг маълумотларига караганда бу ечим ва андозалар уkitувчининг иш стажи билан бирга ошиб бораверади. Бундай уkitувчиларда угил ва киз болаларга улгураётган ва улгурмаётган укувчиларга муносабат демократик услубда рахбарлик килаётган уkitувчига нисбатан купрок фарк килади.

Мулокатнинг фаолиятлари борасида Б.Ф.Ломов:

А) маълумотлар алмашинуви функциясидир.

Б) хулк атворини бошқариш функцияси.

В) хиссиётлар алмашинувидир.

Хар бир гурух сардори гурух болалари учун референт шахс сифатида идрок килиниши лозим;

1. Инсонийликни узида шакллантирган.
2. Юмор хиссини тушуна оладиган, хазил мутойибага бой.
3. Ахлокий-маънавий жихатдан шаклланган, дустликлар, уртокликларни кадрига етадиган, бошкаларни хурмат киладиган.
4. Акилли ва билимдон. Бу сифатлар педагог ва сардорда булиш керак.

Педагог болалар билан тугридан-тугри бевосита ва бавосита таъсир утказишни билиши керак. Уkitувчи тарбиячи сифатида узига инсонийлик сифатларини шакллантирилганлиги талаб этилади.

IV. Педагог-болалар ва усмирлар шахсининг шаклланишида уз жамоасининг шаклланишида ва баркарор булишида, мактаб укувчиси мустакил эркин фикрлай олиши хох сиёсий, хох ижтимоий, ахлокий-маънавий диний сохада узининг () назарига эга, дадил чукур, илмий, хар томонлама мушохадалай оладиган шахсни тарбияламоги лозим. Бунинг учун эса уkitувчининг тарбиячи сифатидаги шахсий хусусиятлари мухим хисобланади.

«Факатгина Шах бошка бир шахсга уз таъсирини утказа олади. Уни шахс сифатида ривожлантира олади унинг характерини уз характер хислатларидаги ибрат асосида барпо эта олади».

V. Укувчи шахсига ва укувчилар жамоасига педагогик таъсир утказишнинг 2 тури мавжуд.

1. тугридан-тугри; -бавосита

2. косвенное-бевосита

1. Талаблар ёки таклифлар тугридан-тугри баён этилади. Ушбу мурожат этиш усули у да тактикали эмас. Чунки очик ва тугридан-тугри куйилган талаб укувчи ва укутувчи уртасида _____ га сабаб булади, бундай тактика узини окламайди, зиддиятни вужудга келтиради. Укутувчи-укувчи уртасидаги узаро муносабатларни жиддий бузилишига сабаб булади.

7. МАВЗУ: Педагогик жамоада узаро

муносабатларни ижтимоий психологик муаммолари.

МАВЗУНИНГ МАКСАДИ: педагогик жамоада узаро муносабатларни ижтимоий психологик муаммоларини урганиш.

МЕТОДИК ТАЪМИНОТ: Кургазмали куроллар, саволномалар туплами.

АДАБИЁТЛАР:

1. Петровский А.В. «Социальная психология».
2. Андреева «Социальная психология».

3. Буюев Л.П. «Социальная среда и сознание». Я-и, М 67.46-556.
4. Каримов В. «Ижтимоий психология асослари». Т. 1994 «Укитувчи».
5. Каримова В. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт».

РЕЖА:

1. Педагогик жамоадаги узаро муносабатлар. Типлари.
2. Укув тарбия самарадорлигини оширишда педагогларнинг узаро таъсирлари.
3. Педагогик жамоага бошчилик килиш ва бошқариш.
4. Педагогик жамоадаги ижтимоий психологик мухит.
5. Хулоса.
6. Мавзунинг баёни.

Кириш.

Охирги йилларда инсон омилига эътиборнинг ортиб бориши муносабати билан бошқариш психологияси масалаларига ҳам кизикиш кучайди. Шу аснода психологиянинг махсус булими – бошқариш психологияси пайдо булди. Бошқариш психологияси психологиянинг шундай тармогики, у бошқарув фаолияти билан боглик булган муаммоларни, шахс ва шахслар гурухи томонида бошка гурухлар фаолиятининг самарали ташкил этиш ва биргаликда фаолиятининг амалга оширишнинг психологик механизмларини урганеди.

Таълим-тарбия жараёнини самарали амалга оширишда, ташкил этишда укувчи-укитувчи, укитувчи- укувчи, укувчи- укувчи узаро муносабатларини тугри ташкил этиш керак. Бу узаро муносабатларни барча жихатларини камраб олиш лозим. Укитувчилар жамоасидаги узаро муносабатларнинг характери укувчилари билан кечадиган узаро муносабатлар характерини белгилаб беради.

Педагогик жамоанинг узига хос хусусиятлари:

1. Таълим-тарбия жараёнинг умумийлиги бир бутунлигини таъминлайди. Маълумки, касаба уюшмаси, укув булими, ходимлар булими, маънавият, камолат ёшлар жамгармаси, хотин-кизлар уюшмаси ва хоказолар. Жамоа укувчи талаба шахсини хар томонлама замон талаблари асосида тарбиялашни назарда тугади.
2. Предмет укитувчилар уз фаолиятлари билан чегараланиб умуй жамоани фаолиятдан жавобгарлигидан четда колиши мумкин.
3. Таълим-тарбия самарадорлиги фанларни узлаштирилиши барча укитувчиларни фаолият самарадорлигига боглик.
4. Таълим тарбия жараёнини сифат ва самарадорлиги укитувчилар жамоасидаги ишни ташкил этилишида боглик булиб колмокда.

Укитувчилар жамоасининг ижтимоий психологик хусусиятлари-энг мухим ва зарурий омили жамоанинг уюшқоклигидир. Ижтимоий психологик мухит укитувчининг фаолияти самарадорлигини у меҳнат килаётган у меҳнат килаётган жамоанинг ижтимоий психологик мухити, шарт-шароитларига боглик. Ижтимоий психологик мухит-бу маълум бир гурухдан шахсини хар томонлама камол топишида, биргаликдаги фаолиятини самарали амалга ошириш учун кулай шарт-шароитларни мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини билдиради.

Маълумки, ривожланганлик даражасига кура одамлар гурухи жамоаларга, аралаш гурухларга, ижтимоий йуналишдаги уюшмаларга булинади. Шу уринда педагогик жамоа-бу юксак даражада ривожланган шартли. Фаолият доираси бир хил булган, таълим тарбия

ишларини амалга оширадиган кишилар гуруҳи ҳисобланади. Педагогик жамоада ҳам бошқа кишилар уюшмаси сингари ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши узаро ахборот айирбошлаш, биргаликда меҳнат қилиш, узаро ҳурмат, ишонч, иззат-икром, ҳамжихатлик ва ҳурфикрлилик каби ҳодисаларнинг ҳукмрон бўлиши асосий урин қасб этади. Педагогларнинг укув тарбия ишларини амалга оширишда узаро таъсирлари унинг самарадорлигини оширишга тўртки бўлади.

Педагог жамоани тадбик этишда қуйидаги концепсияларга асосан эътибор бериш лозим.

- «уқувчи-уқувчи», «уқитувчи-уқувчи», «педагог-педагог», «педагог-рахбар», «рахбар-уқувчи» уртасидаги муносабатлар.
- болалар гуруҳи, болалар мулоқати.
- болалар гуруҳидаги сардорлар.
- педагоглар ва уқувчилар жамоасининг ижтимоий муносабатларга таъсири.
- жамият таракқиётидаги педагогик жамоанинг роли даражасининг тахлили.

Уқув тарбия ишларини амалга оширишда педагогларнинг бир-бирларига таъсири муҳим аҳамият қасб этади. Чунки уқитувчиларнинг бу борада тажриба алмашишлари коммуникация орқали уқувчилар фаолиятини бошқариш юзасидан фикр алмашишлари мақсадга мувофиқдир. Педагогларнинг фаолиятини амалга оширишда бир-бирлари билан фикр алмашишлари, тажриба алмашишлари мулоқатга киришувлари бевосита юз беради. Моҳият жиҳатидан бу жараён шахслараро муносабатларни уз ичига олади.

А.В.Петровскийнинг фикрича: «уқувчилар ҳам укув-тарбия ишларида катнашар экан, улар бу жараённинг объекти ҳисобланади. Улар қанчалик қомилликка қараб интилишлари, уқитувчилар томонидан бериладиган маълумотларни қанчалик қабул қилишлари ёки қилмасликлари ҳам нафакат уқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига балки, педагогларнинг фаолият даражасига ҳам бевосита боғлиқдир».

Педагогик жамоанинг расман, шартли равишда тайинлаб қуйилган раҳбар бошқаради. Раҳбар бу муҳитда таркиб топган, шахслараро муносабатлардан огоҳ бўлган ҳолда узаро бир-бирини тулдирувчи ушбу гуруҳларни ягона йуналишда мулжал олдира билиши қерак. Педагоглар жамоасининг руҳий муҳити аввало унинг аъзолари қайфиятида намоён бўлади ва юқорида қурсатиб утилганидек уларнинг ишчанлиги, руҳий ва жиқмоний ҳолатини белгилайди. Уқитувчиларнинг қайфияти ҳар доим мазкур мактабга раҳбарликнинг хусусиятлари билан белгиланади. Мактаб раҳбарларининг уқитувчилар жамоаси эмоционал муҳитини бошқаришдаги имқониятлари жуда қаттадир. Р.Х.Шақуров қуп йиллик тадқиқотлари натижасида ана шундай ҳулосага қелди. Директорнинг энг муҳим ижтимоий руҳий вақифаларидан бири-уқитувчилар жамоасини уюштиришдир. Шаҳсга жамоа орқали таъсир қурсата билиш директор иш услубининг «узаги» бўлиб, бу услубни одамлар билан муомала қила олиш билан боғлиқ фақилатлар: «қуйи»дан қилинган танқидга тоқатли бўлиш, одамлар билан маслаҳатлар олиш қуниқмаси ва нарсалар ташқил этади. Агар раҳбарда алоқа боғлай олиш қуниқмаси йук бўлса, ёки қам бўлса бундай ҳолда у қул остидагиларининг «фаоллигига» маъмурий қоралар билан эришишга ҳаракат қилади. Бундай раҳбарнинг асосий қуроли, талабчанлик, дук-пуқиса, жақолаш, қурқув туйғусига таянишдир.

Маъмурий тақйик-раҳбар билан жамоа уртасида ҳайрихоҳлик ва узаро ҳурмат этишмаслигининг муқаррар оқибатидир. Ҳар қандай раҳбарда интелект-ақл-зақоватнинг маълум нормаси бўлиши қерак. Бу норма яқши раҳбар учун уртадан юқори бўлмаган мақсадга мувофиқдир. Раҳбарнинг муқтақил фикрлилик, топқирлик, ташаббусқорлик сифатлари. Чунки айрим ҳолларда ҳато қилса ҳам, раҳбар оригинал фикрлар айтиб, йул-йуриқлар қурсата олиши ҳар бир айтилган фикр, қилинган ишга муқтақил баҳо бера олиши зарур.

Чунки мустакиллик шахс кифасини белгиловчи мухим психологик хусусиятдир. Хар бир рахбар учун универсал, керак булган хислатлардан яна бир том маънода «зиёли» булиш ёки бошкача килиб айтганда маданиятли булишдир. Бошлик узидаги маданиятни муомалада, одамлар билан буладиган кундалик мулокатларда намоён этмоги лозим. Жамоа фаолиятини ва уз фаолиятини режалаштириш кобилияти рахбар учун мухим булган талаблардан биридир. Чунки режалаштириш асосида уз-узини бошкара олиш ва бошкаларни ташки фаолиятини мақсадга мувофик тарзда бошкара олишни таъминловчи мухим психологик хусусиятлар ётади. Бошликдан реал шароитларда одамлар гурухини аниқ мақсад асосида фаолиятга йуллаш, уларга бош булиш турли тадбирларни амалга ошириш, обруга эга булиш хар бир килинган иш учун жавобгарликни уз буйнига олиш каби куплаб сифатларнинг мужассам булишини талаб килади.

Бошқариш услублари:

1. Демократик услуб. Бундай бошқариш услуби, рахбар уз ходимларига мустакиллик, эрк бериш тарафдори. Рахбар томонидан бериладиган буйруқ топшириқлар, асосан тақлиф маъносида берилади. Нутқи оддий, доимо осойишта, соқин, дустана муносабат сезилиб туради. Доимо жамоа фикри билан иш куради. Шунинг учун рахбарнинг бундай бошқариш усули, унинг фазовий ижтимоий ҳолати «жамоа ичида».
2. Либерал (локайд) услуб. Бунда рахбарнинг кайфияти, ишига муносабатини, ишдан мамнун ёки мамнун эмаслигини билиш кийин. Унда тақиклаш, пуписа булмайдди, унинг урнига купинча ишнинг охириги оқибати билан танишиш билан чекланади ҳолос. Жамоада ҳамкорлик йук. Рахбар норасмий лидерлар ёки узига яқин кишилар орқали ишни ҳал қилишга эришишни маъқул куради. Ходимлар билан мулоқатда хушмуоммала, одоб, ахлоқ нормаларини бузмасликка ҳаракат килади. Унинг фазовий – психологик ҳолати, «гуруҳ ташқарисида».
3. Авторитар бошқариш услуби. Бундай бошқариш услубида рахбар сузсиз итоат қилишни талаб ётади. Яққа узи тайзик утқазиб ҳаракат қилишни афзал куради. Рухий тарқоклик шароитида рахбар итоатсизларга таъсир курсатишнинг тобора каттик чораларини қидиришга мажбур булади ва шу тарика жамоа аъзоларини оддий ижрочилар ролига йуналтирадилар, бу эса уз навбатида уларни мактаб хаётига бефарқ қилиб қуяди, уларни пассив дарс берувчиларга айлантирадилар.

Педагогик жамоанинг рухий муҳити унда ижодий вазиятнинг бор ёки йуқлигига ҳам боғлиқ булади. Р.Х.Шақуров тадқиқотининг курсатишича, ижодий вазият ҳам рахбарлик усули билан белгиланади. Уқитувчининг ижодий усиши унинг негизини шахснинг узини узи такомиллаштиришга асосланган энг самарали иш усулларини излаш ташқил этгандангина бугунги кун талабларига мос булиши мумкин.

Таянч тушунчалар: педагог, демократик усул, либерал усул, авторитар усул, рухий муҳит, бошқариш.

Назорат саволлари:

1. Педагогик жамоа ва унинг хусусиятлари?
2. Педагогик жамоани бошқариш ва унинг услублари?
3. Педагогик жамоада психологик муҳит хақида?

Хулоса.

Жамоа аъзолари билан самарали ишлаш учун бошлик уларнинг психологиясини, хар бир аъзо психологиясини ва гуруҳ психологиясини яқши билиши зарур, чунки «узгалар психологиясини билиш лар устидан ҳукмронликнинг ягона йулидир», - деб ёзишган эди инглиз олимлари. Ижтимоий психологиясининг бу борада ҳам яқши воситаси-ижтимоий психологик тренинг услуби борки, унинг ёрдамида одамлар билан

ишловчилар жамоани бошқаришнинг турли усулларига муваффақиятли тарзда тайёрланмоқдалар.

8-МАВЗУ: Ижтимоий психологияда таълим-тарбия жараёнининг амалий муаммолари.

МАВЗУНИНГ МАКСАДИ: Хозирги замон ижтимоий психология фанидан таълим-тарбия жараёнининг амалий муаммоларини урганиш.

МЕТОДИК ТАЪМИНОТ: Кургазмали куроллар, саволномалар туплами.

АДАБИЁТЛАР:

1. Петровский А.В. «Социальная психология».
2. Андреева. «Социальная психология».
3. Буге Л.П. «Социальная среда и сознание». Я-и, М-67. 46-55 б.
4. Каримов В. «Ижтимоий психология асослари». Т., 1994 «Укитувчи».
5. Каримова В. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт».
6. «Ахлоқ одобга оид хадис намуналари». Т., «Фан», 1990. 172 б.
7. «Популярная психология для родителей». Под.ред. А.А.Бодалева. М., «Педагогика», 1988. 256 б.

РЕЖА:

1. Ижтимоий психологияда амалий тадқиқотларни узига хос хусусиятлари.
2. Таълим ва тарбия жараёнида ижтимоий психологик хизматини ташкил қилиш.
3. Жамият қонуниятларига зид ҳуқуқли тарбияси оғир бола билан ишлаш уларнинг психокоррекцияси.
4. Таълим-тарбия жараёнидаги ижтимоий психологик муаммолар.
5. Хулоса.
6. Мавзунинг баёни.

Қириш.

Мустақил республикамизда охириги йилларда сиёсий, иқтисодий ва маънавий узғаришлар ижтимоий психология фанининг ҳаётимиздаги аҳамиятини ва салмоғини оширди. Янги, прогрессив аъёнлар, демократик муносабатлар тизимида халқ ва миллат онгида асрлар давомида сакланиб келаётган эски, лекин халқ маънавиятини поклантириш ва уни юксакларга кутаришга имкон берувчи миллий кадриятларимиз тикланмоқда. Бу улугвор узғаришларнинг ҳар бир шахс онгида ва унинг ижтимоий тасаввурларида акс этишини урганиш, бу жараёнининг психологик механизмларини очиш билан шугулланувчи фаннинг ривожланиши шубҳасиздир.

1. Уз билимлари, қуниқма, малакаларини доимий равишда ривожланиб бориш пед.фаолиятнинг ҳосили ташкил этади. Таълим тарбия жараёнида бошқаларни тажрибаларини узлаштириши, таҳлил қила олиши муҳим ҳисобланади. Шундагина

- педагог укув материални чукур, хар томонлама кенг узлаштириб олиши, уни укувчиларга эркин, ишонarli, самарали килиб етказиб бера олиши мумкин;
2. Укувчи уз фаолиятини таълим тарбия жараёнини режасини тугри белгилай олиши ва уни натижаларини олдиндан тахлил кила олиши, кура белгилашига;
 3. Ташкилотчиси-бошқарувчи сифатида самарали йулдан бора билиши лозим;
 4. Укувчилар, укувчилар, мактаб жамоаси, ота-оналар билан узаро муносабатларни яхши йулга куйиш учун унинг мохиятини ташкил этади. Коммуникатив компонент хамиша тадкикотчилик, конструктив, бошқарувчилик компонентлари билан узвий боглик.

Таълим тарбия жараёнини самарадорлигини оширишда ижтимоий психологик амалий тадкикотлар утказиш мухим. Чунки, илмий анализлар ва тест асосида урганиб чикилган тадкикот натижаларига асосланмай туриб болаларни индивидуал-психологик хусусиятларни, кобилиятларни устириш билан боглик аник курсатмалар ишлаб чикиш, хулосага келиш мумкин эмас. Юкоридагиларга асосланган холдагина аник курсатмалар ишлаб чикилади. Болаларни айна чоғдаги ёш хусусиятларини, жинсини, индивидуал-психологик хусусиятларини хисобга олиш, хиссий-эмоционал жихатдан ташкил этиш. Уни ички, рухий карама-каршиликларни аниклаш, оилада, уртоклари даврасида, мактабда, укишда унинг узи билан референт шахсни ёки гурухни аниклаш. Бундай референт гурух ва шахсни ижобий, салбий таъсирини аниклаш. Бундай бола учун психолог референт шахс сифатида таъсир этиш муаммоси.

Бошқарув усулини таълим-тарбия жараёнида тугри йулга куйиш.

1. Авторитор.
2. Демократик.
3. Лоберал.
4. Дилотик.

Мустакил республикамизда охирги йиллардаги сиёсий-иктисодий ва маънавий узгаришлар ижтимоий психология фанининг хаётимиздаги ахамиятини ва салмогини оширди. Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг курсатмаларига асосан ёшларнинг лаёкатларини илк ёшдан аниклаш, улар иктидорини хар тарафлама устириш вазифалари укувчига индивидуал ёндашувнинг зарурлиги, укишининг дифференциал булишини талаб килмокда. Амалий психологнинг бу борадаги асосий вазифаси шуки, ижтимоий психологиянинг фаол методларидан холда ёшларни оилавий муносабатларга тайёрлаш, оилаларда шахслараро мосликни шакллантириш оилавий зиддиятлар ечимини топишда одамларга ёрдам бериш, турли тренинглар утказиш ва уларнинг самараси оркали инсонларда ишонч хиссини таркиб топтириш.

Жамиятимизда ёшлар тарбияси маънавий-маърифий ишларнинг долзарблигидан келиб чикадиган тадбикий ижтимоий психологик йуналиш-бу мактабда курсатиладиган ижтимоий психологик хизматдир. Маълумки, шахснинг ижтимоийлашуви асосан мактаб йилларига тугри келади. Шунинг учун мактаб олдида куйилган асосий вазифаларидан бири боланинг камолати учун барча шароитларни яратиш, унинг индивидуал ва психологик хусусиятларини хисобга олган холда таълим ва тарбиянинг энг макул шаклларини жорий этишдир. Лекин хозирги шароитда мактаб олдида куплаб муоммолар хал килинмаган масалалар мавжудки, уларнинг барчаси мактабга хар тарафлама ёрдамни такоза этади. Тестлар воситасида билимларни текшириш, олий укув юртларига ва таълимнинг барча тармоқларига тест синовлари оркали кабулнинг амалга оширилиши психологик хизмат заруриятини вужудга келтирмокда.

Психологик хизмат-бу инсонга кийин булган вазиятда ёрдам курсатиш, бу одатдан ташкари шароитга куникишда ёрдам беришдир.

Психология хизмати-бу шахснинг муваффакиятли укиши, касб танлаши, ривожланиши, хаёт йулини танлаши учун уз йулини танлаши учун уз билимини англаб етиш ва кулланилишида ёрдам курсатишдир. Психологик хизмат калтиз ёш даврида булган кишиларга айникса зарурдир. Булар-мактабга кириш, бошлангич мактабни

тамомлаш, усмирлик даври, мактабни тамомлаш ва хаёт йулини танлаш давридир. Маълумки, психология хизмати ёки унинг тимсоллари асримизнинг бошларида АКШда вужудга келган. «Гайденс» (психология хизмати) деган махсус булимлар АКШнинг таълим вазирлигида ҳам, шунингдек ҳар бир штатда ҳам бор. Улар мактаб округларига хизмат курсатиш фаолиятини мувофиқлаштириб турадилар ва келиб чиқадиган барча масалалар юзасидан маслаҳатлар берадилар.

Ижтимоий психология давр талабларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни қояди:

А) Ёшлар тарбиясида ижтимоий психологик муаммоларни англаш.

Б) Уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва тадбиқий ҳулосалар чиқариш.

В) Мавжуд зиддиятларнинг олдини олиш йулларини кидириш. Йул-йуриқлар тавсия қилиш қабилар.

1. Мактабда ташкил этилган психологик хизматнинг самарали йулларини кидириш, шарт-шароитлар ва муҳитини ҳар томонлама тулик урганиб чиқишни ҳар бир укувчининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ва гуруҳий ишлаш услубларини аниқлаш лозим.
2. Мактаб психологи укувчилар орасида учраб турадиган психик ривожланишдан кечикиш ҳолларини тулик урганиши. Уларни келтириб чиқарувчи омиллар ва ижтимоий психологик шарт-шароитларни таҳлил қилиши лозим.
3. Мактаб психологи турли ёшдаги укувчиларнинг қобилиятлари, йуналиши лаёқатлари ва касбий қизиқишларига доир аниқ илмий таҳлиллар, тест натижалари асосида тузилган маълумотлар банкига эга булиши керак. Бу маълумотларга асосланиб, психолог уларга алоҳида-алоҳида ёндашиш, айримларга қушимча дарслар ташкил этиш, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигида қобилиятларни устириш билан боғлиқ аниқ курсатмалар ишлаб чиқиши лозим.
4. Мактаб психологи синфлардаги руҳий ҳолатларни узаро муносабатлар билан боғлиқ булган психологик муҳитни аниқлаши, расмий ва норасмий лидерлар уртасидаги муносабатни чуқур урганиш лозим.
5. Мактаб психологи турли мажоралар, зиддиятлар, тартиббузарликларнинг олдини олиш, уларнинг психологик илдизини урганиш чора тадбирлари буйича консультациялар ташкил этиши шарт.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда мактаб психологи уз фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаши мумкин. Улар диогностик ва тузатиш ишларини психопрофилактик ишлар психологик консултасиялар, укувчилар, ота-оналар ва укувчиларнинг психологик саводхонлигини кутариш психологик методларни аниқлаш, шароитларга мослаштириш, улардан самарали фойдаланиш, тупланган илмий маълумотларни изчил тарзда таҳлил қилиб бориш, тестлар тузиш, уларнинг сезгирлигини илмий асослаш ва ҳар бир укувчи қобилиятини укувчилар билимдонлигини тестлар ёрдамида мунтазам текшириш илмий ҳулосалар ва курсатмалар тайёрлаш қабилардан иборат. Бугунги кунда олий укув юртларини ислох қилиш зарур экан, укув режалари ва дастурларини замонавий талабларга мувофиқлаштириш билан бир каторда ҳар бир талаба билан профессор-укитувчилар уртасидаги узаро муносабатлар тамойилларини тубдан узгартириш муаммоси борлигини ҳис этиш зарур.

Ёшларимиз мустақил фикрловчи фаол, шижоатли, узига ишонувчан, билимдон, демократик муносабатларнинг субъекти қилиб тарбиялашни амалга ошириш учун сузсиз ижтимоий психология ва унинг метотлари муҳим рол уйнайди. У тарбия жараёнини соф ижтимоий муносабатларнинг махсули деб қарайди. Янгича фикрлаш ва тафаккурнинг муҳим шарти сифатида демократик муносабатларга асосланган муоммала жараёнини таҳлил қилади. Унинг асосида таълим берувчи билан таълим олувчи уртасидаги янгича «субъект-субъект» шаклидаги муоммала устивор булиши керак. Бу муносабатларнинг асл моҳияти шундаки асосий вазифа профессор-укитувчиларнинг уқитишини эмас, балки уни уқишга ургатиш орқали таълим-тарбия жараёнининг фаол субъектига айлантиришдир.

Бошкача килиб айтганда, янгича муносабатлар таълим-тарбия жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг муносабати узаро хурмат, хамкорлик ва бир-бирини тушуниш шартига буйсинган булишини такозо этади. Шундай килиб агар биз уқитувчиларни эскича стереотиплардан, яъни узининг мутлок билимдонлиги талабанинг вазифаси эса факат уни танкидсиз кабул килиши, тинглаш ва такрорлаш эканлиги билан боглик турган карашлардан холи кила олсак илм олувчини эса эркин фикр юритиш ва уз фикр мулохазасини баён этишга ургата олсак шахс психологияси ва муносабатларида янгича холат юзага келади, шунда шахс узини:

А) эркин хис килади.

Б) уз имконияти ва иктидори хакида тугри тасаввурга эга булади.

В) тафаккурнинг алтернатив, мукобил булишини тулик англайди.

Г) хар бир шахснинг ички «мен» дастури мукаммалашиб боради.

Д) уз фикр ва карашларининг, хулк-атворнинг асл сабабларини англаш, индивидуал эхтиёжлар табиатини тушуниш имконияти тугилади.

Инсон умрининг усмирлик боскичида, бизнингча асосан иккита хатарли жихати пайдо булади. Унинг биттаси катталарга тахлид килиш, иккинчиси усмирнинг оилада ва мактабда назоратдан четда қолиши. Шу икки жихат катта ёшдаги одамлар эътиборидан ташкари уз окимида максадга номувофик тарзда кечадиган булса, окибат «тарбияси кийин» деб аталувчи усмирлар пайдо булишига олиб келади. Тарбияси кийин болаларни тарбиялашда куйидагиларга эътибор килиш максадга мувофикдир.

Энг аввало укувчиларнинг буш вақтини тугри ташкил этиш, уларнинг беъмани «кунгил очиш» ва маданий хордик чикаришга куча куйда максадсиз юришга йул куймаслик учун мактаб, оила ва жамоатчилик хамкорлигини мустахкамлаш, уларни иложи борича мактабдан ташкари муассасаларга жалб этиш чораларини топиш жоиз.

Уларни хулки ва узлаштиришни объектив бахолаш, ёш хусусияти, интеллектуал имкониятларини хисобга олиш, дарсларни юкори савияда кизикарли олиб бориш, оилада кулай шароит яратиш оркали шахслараро окилона муносабатни вужудга келтириш лозим. Хар бир усмир укувчига индивидуал муносабатда булиш, жамоада тарбияси кийин болаларга муносабатни яхшилаш ва тугри йулга куйиш зарур.

Тарбияси кийин болаларни гурухларга ажратиш максадида индивидуал сухбатлашиш, уларни савол варакасини тулдиришга ургатиш, уларни узлуксиз равишда кузатиб бориш, ёзган баён ёки иншоларини тахлил килиш, шахсий хужжатларни урганиш ва кайд килиб бориш, уларни кайта тарбиялаш учун мухим имкониятлар.

Адабиётлар:

1. Каримова В.М. «Ижтимоий психология асослари». Т., 1994 «Уқитувчи».
2. Каримова В.М. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт».
3. Андреева.Г.М. «Социальная психология». М., 1988.
4. Петровский А.В. «Социальная психология».
5. Бугеев Л.П. «Социальная среда и сознание». Я-и, М-67. 46-55 б.

6. Шихерев П.Н. «Современная социальная психология». США-М, 1979.
 7. «Социальная психология: история, теория эмпирические исследование». Под.ред. Е.С.Кузымина., В.Е.Семенова. Л., ЛГУ, 1979.
 8. «Ахлоқ одобга оид хадис намуналари». Т., «Фан»,1990. 172 б.
 9. «Популярная психология для родителей». Под.ред. А.А.Бодалева. М., «Педагогика», 1988. 256 б.
 10. Тулаганова Г. Тарбияси кийин болалалар психологияси. (Монаграфия). 2005 й.
- Сарибаева У.С. «Ижтимоий психология». Услубий кулланма. А.-2004

М У Н Д А Р И Ж А

1. Ижтимоий психологиянинг тарихи хозирги даврда тутган урни, предмети вазифалари.....4
2. Хозирги замон ижтимоий психологиясининг методологик муаммолари ва методлари.....8
3. Кичик гурухлар психологияси.....12
4. Оилада узаро ижтимоий муносабатларнинг психологик муаммолари.....18
5. Шахслараро муносабатлар тизимида шахсни ривожланиш муаммоси.....22
6. Шахслараро муносабатлар тизимида «Укитувчи-укувчи, укувчи-укувчи» муносабатлари.....26

7. Педагогик жамоада узаро муносабатларни иж-й психологик муаммолари.....31
8. Иж-й психологияда таълим ва тарбия муаммолар 34
9. Адабиётлар 38